

"ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН"ДА ҚАТНАШИНГ!



БИЗДА НИМА БОР?

ЎЗБЕКЛАР, АЙТИНГИЗ, БИЗДА НИМА БОР?
БИЗДА БОР МУТЕЪЛИК, ҚУЛЛИК, ОЗОРЛАР.
БИЗДА БОР ҚЎЛЛАРДАН КЕТГАН ИХТИЁР,
ХАЙҚИРИБ ЁТИБДИ БУЮК МОЗОРЛАР.

ЎЗБЕКЛАР, АЙТИНГИЗ, БИЗДА НИМА ЙЎҚ?
БИЗДА ЙЎҚ ИТТИФОҚ, БИЗДА ЙЎҚ БИРЛИК.
ОЁК ОСТИДАДИР ИНСОНИЙ ҲУҚУҚ,
ОЁК ОСТИДАДИР МУКАДДАС ХУРЛИК.

Рауф Парфи

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг ватандошларга МУРОЖААТИ

Хурматли ватандошлар!

Мана, Янги 2013 йилнинг ҳам бир ҳафтаси ортада қолди. Мазлум ўзбек халқи қаторида барчамиз Ватанимиздаги мустабид тузумнинг ағдарилишини қанчалик хоҳламайлик, афсуски, Каримов режими 2013 йилда ҳам 7 кун яшади.

Бунда ҳаммамизнинг маълум микдорда айбимиз бор. Ўзбекистондаги мустабид тузум яшаган ҳар бир куни учун, жумладан, Янги йилда яшаган 7 куни учун, зулмга сабр қилиб, унга қарши амалий ишлар қилмаганимиз учун Яратганнинг ва кейинги авлодларнинг олдида биз, мазлумлар ҳам жавоб беришимиз лозимлигини унутмайлик! Хусусан, "Зулм ҳам қилманглар, зулмга сабр ҳам қилманглар!" – деган ҳадиси шарифини эсдан чиқармайлик!

Ўзбек бир тану бир жон бўлиб, зулмга қарши курашмас экан, ўзга халқлар келиб, ўзбекнинг озодлиги учун зулмни ҳам, золимларни ҳам йўқотиб бермайди. Ҳатто зулмни ва золимларни энг ёмон кўрадиган Яратган ҳам золимларни устимиздан улоқтирмайди: чунки Тангри бу ишни мазлумларнинг ўзига оқлаган.

Агар ишлар шу зайлда давом этса, ўз озодлигимиз ва бахтимиз учун ўзимиз курашмасак, золим ва унинг режими бу йил ҳам, ундан кейинги йиллар ҳам яшайверади. Диктатор Каримов режими-нинг ҳар бир яшаган куни золимларнинг байрами, биз мазлумларнинг эса мотамимиз эканлигини ҳисобга олсак, бугундан бошлаб ҳаммамиз зулм умрини қисқартириш, золим режимни ағдариш учун амалий ишларни бошлашимиз керак.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати 2013 йилнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб, "Зулмга қарши 7 кун" ҳафталик лойиҳасини бошлашга аҳд қилди.

Жорий йилнинг охиригача қилиниши мўлжалланган ушбу тадбирнинг асосий мақсадлари – Каримов режимига қарши кенг камровли амалий ва ошқора курашни бошлаб, бу курашга мазлум аҳоли қатламларини жалб қилиш ва мамлакат аҳолиси ичида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ғоя-мақсадларини тарғиб қилиш.

"Зулмга қарши 7 кун" тадбирлари доирасида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ҳар ҳафта бошида ўзининг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ватандошларга Ҳаракат логотипи туширилган ҳамда машҳур иборалар, шеърлар ва шиорлар ёзилган деворий варақачаларни тақдим этиб, уларни одам гавжум жойларга ёпиштириб кетишни таклиф қилади.

Лойиҳада иштирок этишни хоҳлаган кишилардан фақат 3 нарса талаб қилинади:

- 1) 7 та бир хил деворий варақанинг тайёр электрон вариантини А-4 форматда принтердан чиқариш;
- 2) А-4 форматдаги қоғозга туширилган 7 та варақани қайчи билан кесиб, 7 та бўлакка ажратиш;
- 3) Тахминан 2-3 минг сўмга қаламли елим (клей) ҳарид қилиб, 7 та варақани 7 кун ичида 7 та жойга ёпиштириб чиқиш.

Этибор берган бўлсангиз, санаб ўтилган ишларни амалга ошириш одамнинг вақтини олмайди: варақаларни шахсий юмушлар билан кўча-кўйда кетаётганда бекатларга, деворларга ёки симёғочларга ёпиштириб кетавериш мумкин. Варақаларни принтердан чиқариш ва қаламли елим сотиб олиш учунгина вақт сарфлаб, ўз ёнидан тахминан 2-3 минг сўм сарф қилишга тўғри келади. Ўшанда ҳам сотиб олинган қаламли елим иштирокчининг фаоллигига қараб, ярим ёки бир йилга етиши мумкин.

Ўйлаймизки, Ўзбекистонда демократия қарор топишини истаётган ҳеч бир ватандошимиз ўз озодлиги йўлида чўнтагидан 2-3 минг сўм сарфлашдан қочмайди. Бундан ташқари, бугунги мустабид тузумдан қутулишни мақсад қилган ҳеч бир ўзбек ҳафтасига 7 та кичик варақа ёпиштириб, 7 кун ичида зулмни 7 бор нишонга олишдан, шу хатарсиз ишни амалга оширишдан қўрқмас керак! Агарда кимда-ким шу ишни қилишдан ҳам қўрқса, бундай одам зулм чекиб, мазлумлар сафида юргани учун золимларни эмас, энг аввало ўзини, ўзининг қўрқоқлигини айблаб, зулм чекишга муносиб одамлигини тан олиши керак.

Охири пайтларда компьютер олдида ўтириб олиб, интернет саҳифаларида: "Ўзбекларимиз зулмга қарши курашишдан қўрқади!"

Ўзбекдан бошқа қўрқоқ миллат борми бу дунёда?!" – қабилдаги гапларни ёзадиган ватандошларимиз кўпайиб қолди. Ўзларини ботир, бошқаларни эса қўрқоқ санайдиган ана шундай юртдошларимизга мурожаат қилиб: "Агар ҳақиқатан ҳам мард бўлсангиз, мустабид тузумдан халос бўлишни истаётган бўлсангиз, келинг, шу йўлда "Зулмга қарши 7 кун" лойиҳасида иштирок қилинг ҳамда Ватанимизда адолат ва демократия қарор топиши йўлидаги курашга амалий ҳиссангизни қўшинг!" – демокчимиз. Ўз озодлигингиз учун ҳафтасига 7 та варақачани ёпиштириб чиқинг!

Бир иштирокчи ёпиштирган 7 та варақачанинг ҳар бирини камида 7 та одам ўкиса, бир ҳафта ичида бир ватандошимизнинг ўзи салкам 50 юртдошимизнинг қалби ва онгига йўл топиб, мустабид тузумга қарши курашга шунча одамни чорлаган бўлади. Агарда шу ишни 10, 100 ёки 1000 одам қилса-чи?

(Давоми кейинги саҳифада)

“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”ДА ҚАТНАШИНГ!

(Давоми: Боши 1-саҳифада)

Бир ҳафта ичида чорловимиз камида 500, 5000 ёки 50000 одамгача етиб боришини англаш қийин эмас.

Кўриб турганингиздек, мақсадга қатта ғалабалар эвазига эришишдан кўра, кичик ҳаракатлар ва ғалабалар натижасида бориш хатарсиз ва самаралироқдир. Аслида, фақат ялқовларгина қатта ғалабаларни кутиб, лотереяда бирданига қатта пул ютиб, бойиб кетишни орзу қилиб яшайди ва умри қашшоқликда ўтиб кетганини билмай қолади. Мехнаткаш эса ўша ғалабага ҳамда қатта пулга қундалик ва кичик ғалабалар орқали етиб боради.

Баъзилар Ўзбекистон Халқ Ҳаракати-нинг “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳаси самарали бўлишига ишонмаслиги мумкин. Атрофдагиларнинг муносабати қандай бўлишидан қатъий назар, биз ҳаракат қилаверамиз, курашдан асло тўхтамаймиз, натижасини эса Яратгандан сўраб қоламиз!

Азиз ватандошлар!

Бугун сизларга “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳаси доирасида илк ҳафта варақасини тақдим этмоқдамиз. Унда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотипи остида ўзбек халқининг севимли шоири марҳум Рауф Парфининг “Бизда нима бор?” шеърини жойлаштиришни лозим

топдик. Фикримизча, ўзбекнинг бугунги аҳволини аниқ тасвирловчи ушбу саккиз мисра ўқувчиларни чуқур ўйга ботиради.

Биринчи ҳафта варақасини ЎХХ сайтдан юклаб олишингиз мумкин: uzxalqharakati.com/archives/15607

Қуйида сизнинг ҳавфсизлигингиз учун айрим маслаҳатларимизни бермоқчи эдик. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштираётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, атрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни, вақарани бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узоқ муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложи борича тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Аслида, Рауф Парфининг шеъриси ҳам, ЎХХ логотипида ҳам Ўзбекистондаги қонуларга зид ҳеч нарса йўқ! Аммо шундай бўлса ҳам, эҳтиёткор бўлиш зарар қилмайди. Чунки Каримовнинг режими ҳатто мамлакат Конституциясини тарғиб қилмоқчи бўлган фуқаролардан ҳадиксираб,

уларни ҳам ҳибсга олганини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Келажақ ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотипи туширилган ва Рауф Парфининг ўлмас мисрларари битилган илк варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмакдош бўладилар, деган умиддамиз.

Кўриб турганингиздек, “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг ташаббускори Ўзбекистон Халқ Ҳаракати бўлгани билан унинг асосий иштирокчиси ва амалга оширувчиси ўзбек халқининг ўзидир. Зеро, ҳеч бир халқ сиёсий ҳаракат, партия ва гуруҳларнинг фаол тадбирларисиз ўз сиёсий ҳақ-ҳуқуқларига эриша олмани каби ҳеч бир сиёсий ҳаракат, партия ва гуруҳ ҳам халқнинг фаол иштирокисиз ўз сиёсий мақсадларга етиша олмайди. Доно халқимиз буни қисқа қилиб: “Қарс икки кўлдан чиқади” дейди.

Шундай экан, адолат, озодлик ва демократияга эришиш каби эзгу мақсадлар йўлида ватандошларимиз Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг амалий ишларига ёрдамчи бўлишига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати
2013 йил 7 январ

2013 йил 8 январь куни Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, “Феруза” мавзесига қарашли бўлган, мардикорлар бозорига ташриф буюрган Абдилла Тожибой ўғли, Нуриддин Жуманиёзов ва Фахриддин Тиллаевларга нисбатан “провокация” уюштирилди.

Жумладан, мардикорларнинг сўзига қараганда: “Янги йил муносабати билан бир гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари ва М.Улуғбек туман ҳокимиятининг вакиллари ҳамда туман ИИБдан иборат ходимлар келиб йиғилиш ўтқазиди.

“Сизлар ҳар қандай нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, турли хил оқимлар ва профсоюзга аъзо бўлиб кирманглар. Биз ўзимиз нодавлат ва нотижорат ташкилотларини тузамиз.

Сизларнинг муаммоларингизни ўзимиз ҳал қилиб берамиз. Мана биз билан бирга ташриф буюрган ҳурматли депутатларимиз, Сизларни совуқдан ва иссиқдан асраш мақсадида, усти ёпиқ “горнизон” қурмоқдамиз...” деб ҳар бир мардикорга, 10000 (ўн минг сўм) миқдорда пул бериб кетишди. Аммо...

Бир мардикор йигит пулни олмади. У эса, “Бизга сизларнинг мурув-

ЎХХ АЪЗОЛАРИГА ҚАРШИ ПРОВОКАЦИЯ

ватларингиз керак эмас.

Бизни иш билан таъминланглар. Ҳар бир фуқарога иш топилгунча, давлат томонидан компенсация тўлаш чораларини кўринглар. Кимга керак бўлиб қолди Сизларнинг янги йил табрикларингиз? Ҳурматли депутатимиздан менинг шахсий бир илтимосим бор. У ҳам бўлса, ўша қурилаётган усти ёпиқ, атрофи очик, “горнизон”ни ичига, ҳар бир мардикор учун, алоҳида моллар озикланадиган охур қуруб қўйинглар. Мардикорлар келса, ҳар бировининг бўйнидан ип боғлаш ва қоziққа боғлаб қўйиш, масаласини ҳал қилсангизлар ҳам яхши бўлади” деган.

Туман ҳокимиятининг бир вакилли милиция ходимини чақириб олиб, “тезда бу фуқаро билан шуғулланинг!” деб топшириқ берган. Уша мардикор йигитни ИИБга олиб кетишди. Бу танганинг бир томони эди.

Энди иккинчи томонига эътибор беринг. Куни кеча, яъни 2013 йил 7 январь куни ЎХХ аъзоси Фахриддин Тиллаевга, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБининг ходими, лей-

тенант Фурқат Нормуродов ўзининг +998931723727 сонли рақам қўл телефони орқали, “Фахриддин Тиллаев Чилонзор тумани РОВДсига бир келиб кетсангиз? Сиз билан алоҳида, “секретный разговор”имиз бор” деб туман ИИБига чақириб олмоқчи бўлишган. Шунда Фахриддин Тиллаев, “Қонуний равишда чақурув қоғози билан таклиф қилсангилар бораман” деб жавоб берган. ИИБнинг ходими эса, “Уйингизга, “повестка” олиб бориб бераман. Фақат узоқроқ жойга кетиб қолманг” деб айтган.

Аммо ҳануз лейтенант укамиздан хабар йўқ. Ким билади? Чилонзор тумани ИИБида бир “парча” қоғоз топиш амри маҳол бўлса керак...

ЎХХнинг яна бир аъзоси, Абдилло Тожибой ўғлининг уйига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани “Райгаз” бўлимининг ходимлари келиб, газдан гарчи қарзи бўлмаса ҳам, газ таъмиנותини кесиб кетишган. Ҳойноҳой ЎХХнинг яна бир аъзоси Нуриддин Жуманиёзовни вақтинчалик яшаб турган хонадонидан чиқариб юбориш масаласи устида бош “қотираётган” бўлса ажаб эмас...

ЎХХнинг Тошкентдаги муҳбири

Кеча эълон қилинган “30000000 + 1 = 0” номли мақоладан кейин менга икки маънодаги савол, таклиф ва эътирозлар келди. Асосий савол ҳозирда Ўзбекистонни қон йиғлатаётган Қаримов диктатурасининг зидди нима, деган саволдир. Аввало шунга айтиш керакки, бу золим ва ғайриинсоний режим эрта индин тугайди. Буни қомил ишонч билан айтишимизнинг сабаби, биринчидан ҳозир дунёда диктаторларнинг йиқилиши жараёни кетмоқда. Иккинчидан, Ўзбекистон диктатори Ислоҳ Каримов зотан халқимиз тили билан айтганда “бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда” бўлиб турибди...

30000000 - 1 = 30000000

Хўш, диктатор Каримовдан кейин сиёсий жараёнлар қайси ҳолда давом этиши мумкин? Бу саволнинг 3 эҳтимолий жавоби бордир:

Ислоҳ Каримов тахтини қизи Гулно-рага мерос қилиб беради.

Ўзбекистон Конституциясида ёзилгани каби Давлатни Сенат Раиси уч ой муддатда бошқаради ва кейин Президент сайловлари ўтказилади.

Зулмга чидай олмаган халқ қутилмаган бир тўлқинланиш билан золим ҳукуматни ағдариб (Тунисда ва Мисрда бўлгани каби) муҳолифатни иқтидорга келтиради.

Бу уч эҳтимолдан ҳар бири амалга ошириш мумкин. Шундай экан, Каримов диктатурасининг ўрнига қуриладиган янги жамятнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат бўлади? Албатта, бу янги ҳукуматни қим бошқаришига боғлиқ масалалар. Гулнора Каримова отасининг тахтига ўтирадиган бўлса (Аллоҳ кўрсин) золим диктаторнинг сиёсатини давом эттиришга уринади. Бу бир неча кун ёки ойгина давом этиши мумкин. Чунки Гулноранинг душмани 30 миллион Ўзбекистон фуқаролари эмас, бугунги кунда Каримовнинг ёнида лаганбордорлик қилиб юрган турли “кланларнинг” вакиллари ҳамдир. Улар бугуннинг ўзида Каримовнинг ва қизининг терисини шилишга тайёрлар, аммо афсуски куч қудрат уларнинг қўлида эмас. Бу ўринда шунга айтмоқчиман: Диктатор Каримов эртага тахтдан кетиши билан уни лаънатлаш жараёни бошланади. Бу тубанлик жараёни ҳозирда саройда “хурмаг” кўраётган Юлдуз Усмонова, Муножаат Йўлчиева, “шайх” Абдулазиз Мансур қабилар бошлаб берадилар. Аллоҳ ўша қулларни кўрсатса, ўлганнинг устига чиқиб тепиш билан ўзларини қахрамон қилиб кўрсатадиган мана бундай тубан тоифаларнинг оғзига латта текилиши керак. Чунки биринчидан, бугун улар диктаторни ва унинг қизини еру кўкка сиғдирмай мақтамоқдалар. Иккинчидан, бундай тоифаларга бериладиган ягона имкон тавба имкони бўлиши керак, халқни навбатдаги ёлғон билан алдаш имкони эмас..

Сенат Раисининг уч ой муддат давлатни бошқариб туриши ва кейин сайловлар ўтказилиши ҳам эҳтимол доирасида, дедик.

Бу эҳтимол амалга ошадими ёки Каримов бир шаклда тахтдан ағдарилиб, муҳолифат иқтидорга келадими, нима бўлганда ҳам Ўзбекистон “нормал” тараққиёт йўлига ўтиб олиши учун уч нукта муҳим аҳамият касб этади:

1. Сиёсий барқарорликнинг таъминланиши

Янги жамят асосланадиган кадрлар.

Ўтиш даврига бўлган эҳтиёж.

Сиёсий барқарорликнинг таъминланиши Каримов диктатурасида марказга итоатга асосланган маъмурий буйруқбозлик тизими, давлатнинг куч ишлатар ташкилотларининг (ИИБ,

МХХ, Прокуратура, Судлар) ва маҳаллий ҳокимият тизимларининг шахсан Президентга итоат қилган ҳолда халққа мислсиз зулм ўтказиши билан амалга оширилмоқда. Бу режим у ёки бу шаклда барҳам топгандан кейин сиёсий барқарорлик зулм эмас, эркинлик шароитида сақланиши керак бўлади. Яъни, жамятнинг барча тоифалари, биринчи навбатда зиёлилар, эътиқодий (диний) гуруҳлар, тижоратчилар ва турли даражадаги тадбиркорлар ижтимоий жиҳатдан уйғонадилар ва турли ташаббус билан чиқа бошлайдилар. Бундай шароитда халқнинг эътиборига лойиқ бўлган, тараққиётнинг ўрта, мўътадил йўлини танлаган бир сиёсий ҳаракатнинг мамлакат бошқарувида туриши мақсадга мувофиқдир. Маълум бўлгани каби бундай ҳаракат ҳозирда муҳолифатнинг асосий ва марказий кучини ташкил қилувчи ЎХХ дир. Шу бирга радикал талаблар (иқчиллик, коммунистик режимга қайтиш, халифат қуриш ва ҳк) билан чиқадиган гуруҳларнинг фаолиятига жамоатчилик ва ҳукуматнинг умумий ғайрати, шу жумладан бундай радикал уринишларни қонун йўли билан таъқиқлаш орқали тўсиқ қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Демак, эркинлик шароитида ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлашнинг омиллари қуйидагилар ҳисобланади:

Ҳукуматнинг халқ эътиборига лойиқ, тараққиётнинг ўрта, мўътадил йўлини танлаган бир сиёсий куч тарафидан бошқарилиши.

Сўз, фикр ва матбуот эркинлигини, сайлаш ва сайланиш, турли жамятларга ва ташкилотларга аъзо бўлиш эркинлигини таъминлаш.

Турли ижтимоий тоифаларга (сиёсий, диний, маданий ва маърифий), ижод ва тижорат аҳлига, тадбиркорлик ва дехқончилик билан шуғулланишни истайдиганларга эркинликлар бериши.

Радикал қайғидаги ташаббус ва ташкилотларнинг фаолиятига қонуний тўсиқлар қўйиш.

Мамлакатдаги барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган тўғри ташқи сиёсатни йўлга қўйиш. Бу соҳада аввало халқларимизнинг ва давлатларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлигига йўл очиш мақсадида Ўрта

Осиёдаги мустақил давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳамкорлик сиёсатини амалга ошириш.

Мана шундай ислохотлар натижасида Каримов диктатурасининг моддий ва маънавий бўҳронлари қисқа (тахминан 10 йил давомида) ичида тугатилиб, Ўзбекистон ҳақиқий тараққиёт йўлига ўтиб олиши мумкин.

Менга келган муҳим саволлардан бири эркинликларнинг моҳияти ҳақиқадир. Ўзбекистон аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлгани учун бундай саволларни бераётганлар эркинликлар ғарб давлатларида бўлгани каби ахлоқсизликларнинг урчиб кетишига сабаб бўлмайди, деган хавотирни билдиришга ҳақлидирлар. Бу ерда ҳаракатимизнинг дастуридаги ушбу моддани келтириш билан бундай хавотирларга жавоб беришга уринмоқчиман:

“Жамятда эркинлик ва инсон ҳуқуқларига амал қилишда инсонларнинг ҳаёти, эътиқоди, ақли, мол мулки, шараф ва номусларининг дахлсизлиги, келажак наслларнинг соғлом бўлишлигини таъминлаш асос қилиб олинади.” (қаранг: <http://www.uzxalqharakati.com/archives/12935>)

Яъни, шахсларга ва жамятга бериладиган эркинликлар ва ҳуқуқлар инсоннинг инсонийлигини ва жамятнинг маънавий тараққиётини ортириши керак. Инсон зотини ерга урадиган ва жамятни ахлоқсизликлар майдонига айлантирадиган эркинликлар албатта ҳақиқий маънода эркинлик ва инсон ҳуқуқлари ҳисобланмайди.

Ушбу мавзуда ёзилган “30000000 + 1 = 0” номли мақолада фақатгина диктатор Каримовга эркинликлар ва ҳуқуқлар бериб, Ўзбекистон аҳолисини қул қилиш жамят ва давлат тараққиётида “0” натижа беришини таъкидлагандим. Ушбу “30000000 - 1 = 30000000” номли мақола билан Каримов диктатурасининг тугатиши натижасида Ўзбекистон аҳолисининг, шунингдек жамят ва давлатнинг барча соҳаларининг илмий, эътиқодий, сиёсий, ижтимоий, маданий маърифий ва ахлоқий жиҳатдан тирилишини назарда тутдим. Иншаллоҳ, бундай қулларни кўриш яқин келажакда халқимизга насиб бўлади.

Йўқолсин Ўзбекистонда Каримов диктатураси! Яшасин Эркинлик ва Адолат!

Ўзбекистон халқининг қутулиши ва келажаги шу шиордадир!

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати билан ҳамкорлик қилинг!

Намоз Нормўмин

ЎХХ нинг матбуот линклари:

uzxalqharakati.com
odnoklassniki.ru/uzxalqharakati
facebook.com/uzxalqharakati
twitter.com/uzxalqharakati
my.mail.ru/community/uzxalqharakati
uzxalqharakati.com/kitoblar
uzxalqharakati.com/gazeta/
turkiston.tv/radio/
uzxalqharakati.com/archives/12935

2013 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон милицияси ва махсус хизматлари Тошкент метрополитенида мамлакат фуқароларини прокурор рўхсатисиз тинтиб, ҳибсга ола бошлади. Улар “шубҳали” йўловчиларнинг ёнларидан конституцион тузумга қарши материалларни қидирмоқдалар.

пилгани учун прокуратурага келган милиционерларни сўкиб кетишди. “Менинг олдимда прокурор милиционерларни оналаридан сўкиб, улар расмий ва норасмий диний нашрлар ўртасидаги фарқни билмасликларидан асабийлашиб кетди”, – дейди пойтахтда истиқомат қилувчи фуқаро.

бошқа ушламасликни ва прокуратурага олиб келмасликни буюрди”, – дейди Андижондан келган меҳмон. Ўзбекистон кучишлатар тизимлари томонидан ташкил қилинган берухсат тинтувлардан жабр чеккан фуқаролар ҳамда ҳамда ҳукуматнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига

ТОШКЕНТ МЕТРОСИДА НОҚОНУНИЙ ТИНТУВ ВА ҲИБСЛАР



Шундай ҳолатларга гувоҳ бўлган кишиларнинг айтишларича, милиционер ва МХХчилар тинтув ва ҳибсларни асосан “Пахтакор”, Алишер Навоий, Ойбек, «Минг Ўрик», Амир Темур, Юнус Ражабий ва бошқа метро бекатларининг ўтиш йўлларида амалга оширмоқдалар.

“Мени “Пахтакор” и Алишер Навоий бекатларининг ўтиш йўлида тўхтатиб, милиция хонасига олиб киришди ва тинтиб бошладилар. Ёнимдан Ўзбекистон Муслмонлар диний бошқармаси томонидан чиқариладиган “Ислому нури” газетаси чиққани учун мени Шайхонтоҳур туман прокуратурасига олиб кетишди”, – дея ҳикоя қилади исми-шарифини ёзмасликни илтимос қилган тошкентлик фуқаро.

Унинг айтишича, Шайхонтоҳур прокуратураси ходимлари фуқаронинг ёнидан ҳукумат диний газетаси то-

Унинг гувоҳлик беришича, ўша кун Шайхонтоҳур туман прокуратураси коридорларида Тошкент метросининг милиционерлари ва “чекист”лари томонидан ҳибсга олиниб келтирилган яна ўнлаб одамлар бўлган.

“Улардан бири, тахминан 40-45 ёшлардаги эркак киши, унинг ёнидан топилган ҳамда арабча ёзилган “Фотиҳа” ва “Ихлос” сураларида президент Ислому Каримовга ва Ўзбекистондаги конституцион тузумга қарши ҳеч нарса йўқлигини исботлашга уриниб ётганди”, – дея кулади тошкентлик йигит.

Тошкентдаги қариндошлариникига Янги йил арафасида келган андижонлик Зиёда Р. ҳам тахминан шундай ҳолатга тушиб қолган. “Мирзо Улуғбек метро бекатида икки милиционер ва бир МХХчи мени тўхтатиб, нега ҳижобга ўраниб юришим ҳақида сўради. Кейин эса чўнтақларимни ва сумкамни тинтиб бошлашди. “Ўзбекистон” давлат нашриётида чиққан ўзбекча Қуръон китобига кўзлари тушиб, улар ҳудди наркотик модда ёки ўқотар қурол топгандек қувониб кетишди”, – дейди Зиёда Р.

Андижонлик фуқаронинг сўзларига кўра, шундан сўнг милиционерлар уни Чилонзор туман прокуратурасига олиб боришган. “Бахтимга, прокурор милиционерлардан мени қўйиб юборишни талаб қилиб, Ўзбекистон давлат нашриётларида чиққан диний китобларни олиб юрган одамларни

гувоҳ бўлган кишилар бундай ғайриқонуний ишлар “тепа”нинг буйруғига кўра амалга оширила бошлаганига шубҳа қилмайдилар.

“2012 йил 7 декабрь кунини ўтказилган тантанали мажлисда президент Каримов 2013 йилни “Фаровон турмуш йили” деб эълон қилиб: “Янги йилда бизнинг энг биринчи мақсадимиз тинчликни сақлаш бўлади!” деган эди. Унинг бу гапларини эшитиб, мен: “Демак, 2013 йилда президент армиямизни мустақамлар экан”, деб ўйлабман. Энди эса, яъни ментлар ва МХХчилар метродаги йўловчиларни ҳам ноқонуний тарзда тинтиб, ҳибсга олаётганларини кўриб, мен: “Ислому Каримов “тинчликни сақлаш” деганда диндор муслмонларга қарши янги таъқиблар бошлангани назарда тулган экан”, деган хулосага келдим”, дейди Тошкентнинг Ҳамза туманида истиқомат қилувчи 65 ёшли Маҳмуд А.

Унинг фикрига кўра, Ўзбекистонда навбатдаги парламенти ва президент сайловлари яқинлашгани сари Каримов режимининг мамлакат муслмонларига қарши ўтказаятган босими ҳозиргидан ҳам кучаяди. “Шундай экан, яқин орада диндорларни тинтиш ишлари автобус ва трамвайларда, кўчалар ва ҳаттоки диндоларнинг уйларида ҳам бошланиб кетса, хайратланмаслик керак”, – дейди Маҳмуд А.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

ХОРИЖДАГИ ДИНДОШ ВАТАНДОШЛАРГА

Бу давватим Ўзбекистондан турли сабаб билан чиқиб кетиб, хорижда яшаб, ўқиб, ишлаб юрган дин олимларига ёки диний гуруҳларни (Ҳизбут Тахрирдан бошқа) кўзга кўринган вакилларига аталгандир! Биз интернетдан турли хил тармоқларда ва сайтларда Ўзбекистонлик ватандошларимизни маърузаларини ва турли хил ёзувларини кўриб, эшитиб қоламиз. Бу кишиларни танимаймиз.

Шуниси аниқки, улар Ўзбекистонда эмас, Саудияда, Туркияда, ва шунга ўхшаган муслмон мамлакатларда ва балким Европа давлатларида ёки АҚШ да яшайдилар.

Чунки, акс ҳолда, бу каби фаол ҳаракат қилолмас эдилар.

ЎХХ ташкил топганига мана шу йил май ойида 2 йил тўлади. ЎХХ бугунги ИАК режими ўрнига келса, Иншааллох, Ўзбек халқига имкон қадар “озодлик ва адолат” бериш ваъдаси билан чиққан. Зулмга чек қўйиш асосий ғоямиздир.

Аммо, шу пайтгача сиз каби, Ватандошлардан ЎХХ фаолиятига нисбатан, бирорта муносабат олмадик. (Биз таниган ва алоқамиз бўлган баъзи шахслар мустасно)

Мен сизларни ЎХХ фаолиятидан мутлақо беҳабар деб ўйламайман. Бизга қўшилмаётган экансиз, демак, чеккада жимгина кузатиб турибсизлар.

Мен ўшаларга мурожаат қилмоқчиман;

Ҳурмагли шайхлар!(Биродарлар!)

Агар ЎХХ Дастури ва Низоми умуман диннинг сиз тушунган шаклига номувофик деб билсангиз, у ҳолда бизни ҳам хабардор қилинг. Адашганларни тўғри йўлга солиш зиммангиздаги вожиб амалдир!

Агар фаолиятимиз тўғри бўлса, унда нимага кузатиб турибсиз?! Нимага сафимизга кириб, ўз мақодаларингиз ва маърузаларингиз билан шу курашда бизга сафдош ва ҳамроҳ эмассиз?!

Ҳар бирингизни ортингизда қанчайам

мухлисларингиз бор. Кимлардир сизларга эргашади.

Зулмга қарши курашда бирга бўлайлик! Зулмни ИАКдан кейин ҳам давом этмаслиги учун ҳозирдан ҳаракат қилайлик! Ўзимиз, сиз билан биз ўзгартирмасак Ватандаги аҳволни, биров келиб ўзгартириб бермайди. Бунга далилларни сизлар яхши биласизлар.

Мен таниган ва танимаган ҳар бир хориждаги ўзбекистонлик диндошимга хитобим шулардир!

Дунёдаги бошқа халқлар ўз мустабидларини кулатиб, ўз жамиятларини ислоҳига киришган эканлар, биз ҳам уларга эргашайлик!

Юртнинг ислоҳига аслида сизлар каби Уламолар масъулдир!

Шундай экан, қузатувчиликни бас қилиб, сафимизга қўшилинг!

Менга жавоб бериш шу хитобни ўқиган ЎХХ сафида бўлмаган ҳар бир ўқувчига вожибдир!

М Абутов.

Тошкентда кўп мактаб, боғча ва бошқа муассасаларда арча байрами ўтказишга рухсат этилмагани билан, Қорбоболар барибир маҳаллаларга чиқиб, аҳолини янги йил билан табриклади. Лекин бу йилги Қорбоболар аввалгилардан бошқача, ўзга сайёралардан эканлиги маълум бўлиб қолди. Айтишларича, Тошкентнинг қадим ўн икки дарвозаси ўрнида ўн икки Қорбобони кутиб олишган. “Самарқанддарвоза”га ташриф буюрган Қорбобомиз топишмоқчи экан.



бошқа. Подшолик сизга “ночной клуб”ми? Харитага ҳеч қараганмисиз, не бир салтанатлардан қийила-қийила қолгани бир қийқим жойда турибмиз-у, ишониб бўладими? – Қўрқитманг-е. Қўйинг шу гапларни. Мени унча-мунча тушунмаган нарсага аралаштирманг, илтимос. Биз бир кичкина одам, пошшолик билан нима ишимиз бор. Бўлган бўлсин, қолган қолсин, садқайи сар. Ҳалигина бинойидек ўтиргандик,

ЎЗГА САЙЁРАЛИК ҚОРБОБОЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Мана, у маҳаллани ўйлатиб, жиддий ишга бел боғлатган топишмоқ: “Сиёсий фанлар доктори, профессор, ўнлаб касб-қорларнинг эгаси, тикувчи, қўшиқчи, шоира, раққоса, дизайнер, сценарист, публицист, ишбилармон, тадбиркор, қайга узатса етган қўли фақат битта нарсага етмай турибди, у ким?” – Шу ҳам топишмоқ бўптими? Диктатор Каримовнинг кизи Гулнора-да! – Қўли етмай турган нарса нима экан?

Президентлик. – Яшанг! Топдингиз, мана сизга янги йил совғаси. Қорбобо совғасини бераркан, “топиш-моқни топишга топдингиз, лекин сиз шунга розимисиз, шу ҳақда ўйланг”, деганича қўшнилари орасида бир тортишувни бошлаб кетди. – Сиёсий фанлар доктори бўлгани билан сиёсатдан «ғирт ноль» бу хоним қандай қилиб сиёсатга аралашиб юрганига ҳеч тушуна олмайман-да. Хоббиларини санасангиз юзтача бор-ов. “Фонд Форум”нинг Президенти бўлиб юравермайдими? – Э, каллангизга балли. Бу хоним ўзи Ўзбекистоннинг барча вазирлик ва бошқармаларига иш қолдирмади, ҳаммасини тортиб олди, олмақда. Маданият вазирлиги ишлайди, номи бунки, соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам “отставка”га чиқиб, дўхтирлари-ю, барча ходимлари “Фонд Форум” томонга ўтиб кетишибди. Бутун мамлакат оёқ-ялангу, бош яланг югурапти. Югуришса саратон билан оғримасмиш. Ана сизга даволаш. Ўрта, олий таълимлар уники, спорт мусобақалари уники, ташаббуслар уники, зиёфатлар уники.

Бу киши юртга тўй беради. Ҳокимлар “конверт”, ишбилармонлару, фермерлар “тоғора кўтариб” куллигида, хизматда. Шунинг ўзи ўнта президентликдан авло эмасми? – Хай-хай, гапимиз бир жойдан чиққанини қаранг, лекин сизга кўпдан бир гап айтмоқчи эдим, мавриди бўлмади. Қорбобонинг топишмоғи менга турибтуриб ботяпти. Отасиям, қизиям нима қилса қилиб ётибди, биз оғиз очиб бир нарса демаймиз, худди қулга ўхшаймиз. Ўзаро гапимизниям зўрға гапирамиз, ҳар ҳолда эҳтиёт шарт, биров эшитиб қолмасин, деймиз, қўрқиб қолганми. Қизининг қилиқларига ҳам «эркада, эрка», деймиз. Бурунги ўзбеклар нима деган биласизми? Қизининг эркаси, битнинг сиркасидан ёмон, дейишган. Ўзингиз айтинг, мамлакатда билса-билмаса бурнини сукмаган бирор жой қолдимикан бу “маликамиз”нинг? – Қолгани шу битта отасининг тахти. Отасиям имо-ишорага тушунай демайди. – Тўғри. “Минг йигитнинг ўрнин босай”, деб қўшиқ айтяпти, етиб бормаяпти шекилли-да. Шу, одамлар билмайдими эмас, билди. Шу еб тўймас маликанинг қўли узун бўлгани билан кўнгли яримта, (сал шивирлаб) эр йўқ... Ҳамма бало шунда. – Сингисининг оти Лолахонмиди, ўзидан тиниб-тинчиб кетган дейишди. Гулнорахон ўқсимасин, деса керакда Исломо отаям. Кўнгли учун беш-ўн кун подшо бўлса бўлар, бу дунё кимлардан қолмаган, эй дўстони азиз. – Э, гапингизни ел учирсин. Жиминг-е. Қорбобо айтди деб валдирайверасизми? Қўйчивон бўладиган итнинг йўриғи

кайфдан капейка қолмади, ҳаммаси бир тийин бўлди... – Қўрқманг, яқинда қўрқмай яшайдиган кунлар келади. Бунинг учун озгина ҳаракат лозим. Диктатор Исломо отангиз сургун қилган ватанпарварлар, ҳар жойда хор юрган ватандошлар, мардикорлар бирлашиб юртга қайтадилар. Юртдагилар ҳам бирлашадилар. Ҳукуматдагиларнинг ҳаммаси ҳам аблаҳ эмас. Ҳалол одамлар кўп. Худо хоҳласа ички ишлар ҳам ташки ишлар ҳам бир ёқадан бош чиқариб, халққа, курашга қўшиладилар. Бизга келган Қорбобо уларга бормади дейсизми? Ана ўшанда диктатура сиз билан бизнинг олдимизда ҳисоб беради. Нима дегани, қўрқиб ўтираверамизми, ё курашга қўшилаемизми, қани, қўлни ташанг. – Мен ҳам сиз биланман, қўшни. Халқ бирлашса биз четда қолармикан, жон деб қўшилаемиз. Қорбобоки, бизни ўйлабди, нега биз ўзимизни ўзимиз ўйламаймиз. Раҳмат шу Қорбобомизга. Қорбобонинг топишмоғи анча баҳсмунозарага сабаб бўлди. Ўзбекнинг минглаб йигитлари имон-этикоди, ҳақ сўзи, тўғри йўлда юргани, ҳукуматдан ҳам шунни талаб қилгани учун қамоқда, сургундалиги ҳақиқат. Хотин, болачақа доим назоратда, қирган-чиққани рўйхатда, ҳисобда, қачонгача чидаш мумкин? Йўқ, энди бундай бўлмайди, биз бирлашамиз, шайтоннинг бўйнини синдирамиз, дейишди улар. Муҳожиротдаги барча муҳолиф партиялар ва ҳаракатлар аъзолари ва мардикор йигитларга ватандошларнинг тилақлари ва саломларини етказувчи

Абдулқодир КАРИМ

ЛАЪНАТ ТАМҒАСИДАН ҚУТУЛА ОЛМАЙСАН, ГУЛНОРА...



Маълумки Ўзбекистон диктатори Исломо Каримовнинг қатта кизи Гулнора Каримовага “Ўзбек халқи энг кўп нафратланадиган аёл” тамғаси босилган. Шунингдек у ҳақда хорижий матбуотдаги мақолаларда

“Диктаторнинг кизи”, дея илова ҳам қилинади. Мана бу сайтда (putimes.com) инглиз тилида босилган мақола ҳам “Ўзбекистонда энг кўп нафратланадиган шахснинг Депарьде ёрдамида юлдуз бўлишга уриниши”, дея номланган. Унда айтилишича, мамлақати Франциядан солиқ тўлашдан қочиб Русияга жойлашган франциялик санъаткор Депарьде Ўзбекистон диктаторининг кизи билан сунъий саҳнада ўрин олган.

Лаънат тамғаси урилган Гулнора Каримова эса бундай “ҳамкорликнинг” ташаббусчиси Депарьденинг ўзи эканлигини таъкидлаган. Тўғрида, чет эллик машҳур одамлар билан

бирга бўлиш ҳар доим ҳам Гулноранинг яқиниб ёлворшига асосланмаслиги керак. Онда сонда чет элликлар ҳам Гулнорага бирон нарса таклиф қилишлари керак. Айниқса бу таклиф мумайгина пул келтирадиган бўлса, бу ҳақда асло таратдуд қилмас ҳам бўлади. Бу пулларни Гулнора бечора ўзбек халқининг ризқидан ўғирлагани чет эллик “задагонларни” албатта қизиқтирмайди. Аммо бу масала ўзбек халқини ниҳоятда қизиқтириши ҳам рост. Шунинг учун ҳам Гулнора Каримова пешонасига босилган лаънат тамғасидан асло қутула олмайди....

Фурқатбек

“Источник”нинг бизга берган маълумотига кўра: “2013 йилнинг 2 январь кундан бошлаб мактаб, коллеж ва ўқув марказларида турли хил фан ўқутувчиларига компьютер ва инглиз тилларидан сабоқ берилмоқда. Дарсни ўтиш эса, инглиз тили ўқутувчиларининг зиммасига юклатилган. Агар дарсга ўқутувчилар ўз вақтида келмасалар, унда мактабдан ва бошқа муассасаларидаги ишларидан озод қилинадилар...”

УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР УЧУН “ҚЎШИМЧА ДАРС”

70 йил давомида собиқ Иттифок даврида “ҳар бир киши рус-тилини билмоғи шарт”, «Вторник – день русского языка» деб, Ўзбекистон халқи рус тилига мажбурий равишда ўргатилган эди. Хаттоки, ўзимизнинг она тилимизни унутиб, фуқароларимизнинг ҳар бир сўзида русча жумлаларни ишлатиб, ўзлимиздан айрилиб бўлган эдик. Ўша рус тилининг таъсири туфайли, ҳозиргача ўзбеклар рус тилидаги жумлаларни бузиб, гапириб келмоқдалар ва бунга гувоҳ бўлмоқдамиз. Агар бир рус фуқаросининг олдида рус тили “грамматика” сини бузиб гапирсак, ўзбеклар устидан куладилар. Аксинча биз уларнинг устидан кулаётганимизни билмайдилар.

Энди шу ўринда савол туғилади. Шу 70 йил давомида Ўзбекистонда яшаётган руслар ўзбек тилида сўзлаша оладими?! Афсуски, йўқ! Ўша вақтда ҳамма “русий забон” бўлиб қолган эди. Энди эса, инглиз тилини фуқароларимизга ва мураббий устозларимизга ўрганишга мажбур қилишмоқдалар. Ахир, бундай ҳолатлар юз бераверса, ўз тилимизни унутамиз-ку? Ер юзидан яна бир миллатнинг йўқ бўлиб кетишига ўзимиз асос соламизку?

Мен инглиз ва компьютер сабоқларидан дарс берилишига қарши эмасман. Аммо... Фақат ўзбек миллатининг ўз она-тилида сўзлаши, ўзбекона урф-одатларини ҳорижликларга кўз-кўз қилсак, ўзимизнинг маданиятимизни уларга ҳам кўрсатсак. Нимаси ёмон? Биз ўша собиқ Иттифок даврининг таъсири туфайли ўзлимизни унутдик. Руслар ўзининг маданиятини синдиргани туфайли, Ислом динидан айрилдик. Ҳориждан келган миллат вакиллари, “Ўзбеклар фақат рус тилида сўзлаша олар эканлар...” деб бизнинг устимиздан кулди. Хаттоки, “Ўзбеклар русларнинг кули. Улар нима буюрсалар ўшани бажаради. Ўзбеклар манқурт миллатга

айланиб бўлган...”

Ўзбеклар бизга Ўзбекистон тарихини кўз-кўз қиладилар. Бироқ... ўз она-тилида гаплаша олмайдилар. Бундай юрт, миллатнинг вакиллари-дан нимани кутуш мумкин?” дейишди. Аммо... биз шу сўзларга сабр қилиб, тишни-тишга қўйиб чидаб келдик... Бобомиз Алишер Навоий томонидан асос солинган, туркий тилни мукаммалашган ҳолатини ўрганиш вақти етмадимми?

Ҳалқимизнинг бизга бегона, биз-

га ёт бўлган, тарихи умуман йўқ, ер юзида бўлмаган бир миллат, “АМЕРИКАНЕЦ” деган “миллат” дан ташкил топганларнинг тилини ўрганиши зарурми?

Бизнинг ўз она тилимиз бор. Турк тили гўзал ва бежирим чиройли сўзлардан иборат. Мен “юқорида” ўтирган мансабдор шахсларга қаратиб шундай демокчиман: “Мен ҳам истайман ўзбек тилида сўзлашаётган турли хил миллат вакиллари-нинг бўлишини. Истайманки, Ўзбекистонга келган ҳар бир хорижий миллат вакили ўзбек тилида сўзлашсин. Мен шахсан Навоий, Бобур, Жаллолиддин Мангубердларнинг хайкали ер юзининг исталган жойида бўлишини хоҳлайман. Ана ўшанда олам гулистон бўлар эди. Бир вақтлар яъни 1930-1939 йиллар давомида, “Саводсизликни тугатиш тўғриси” да Сталиннинг қарори чиққан эди. Ваҳоланки, ўша вақтларда ўзбеклар араб имлоси асосида ўқир эдилар. Ўша вақтда СССРнинг мустамлакаси бўлган Азарбайжон, Арманистон, Грузия давлатлари ўз тилларини ва ёзишмаларини унутмасликлари учун Сталиннинг қарорига қарши чиқдилар. Аммо... Биз ўзбеклар ўз она тилимизни унутиб, ўзга миллатнинг тилини ўрганишга мажбур бўлдик.

“Энг алам қиладиган жойи шуки, мен ариза ва шикоят билан мурожаат қилмоқчи бўлсам, албатта рус тилида ёзишим керак эди. Ваҳоланки, ўша вақтда мансабдор шахсларнинг кўпчилиги ўзбек миллатининг вакиллари эди. Рус тилини билмаган фуқаро ёки шахс мансаб шохсупасига “миниши” мумкин эмас эди. Энди эса, инглиз тилини ва компьютерни билмаган устоз ва мураббий “лавозим”га ўтириши мумкин эмас экан...” дейди Тошкент шаҳар “Юнус-Обод” туманинг 252-мактаб Она-тили ва Адабиёт фани ўқутувчиси, Зулайхо Абдуллаева.

Фахриддин Тиллаев

МАРДИКОРНИНГ ҲУҚУҚИ ТОПТАЛАРКАН, МИТИНГ ВА ИШ ТАШЛАШГА МАЖБУР ҚОЛИШИ МУМКИН

Мардикорларнинг ҳуқуқлари топталаркан, “Мустақил Мардикорларни Касаба уюшмаси” фаоллари ҳукуматнинг қайси структураси бўлишдан қатъи назар, у билан курашади. Иш ташлаш ёки митингларга чиқишга мажбурлашса, ҳеч иккиланмасдан кўчага чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлари Вазири Жаноб Б.Матлубовга. “Мустақил Мардикорлар Касаба уюшмаси” раҳбари Н.Джуманиязовдан +998909271405

ШИКОЯТ

2013 йил 8 январь куни, “Қўйлик” меҳнат биржасида, шу минтақада ўз хизматини адо этаётган ИИБ ходимлари томонидан “Мустақил Мардикорлар Касаба уюшмаси” аъзоси Усманова Орзугул ҳибсга қилиниб, Ҳамза тумани ИИБга, ҳеч бир сабабсиз, олти соат ушлаб турилган.

Ҳаммамизга маълумки, фуқаролар вилоятлардан Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳрига иш қидириб келиб, мардикорлик қилаётирлар.

Мардикорлик қилаётган қатламнинг 99%ида, вақтинчалик прописка йўқ. Уларни Тошкентда ҳар бир хонадон вақтинчалик рўйхатга қўявермайди. Уларнинг қўлида, Меҳнат биржаси томонидан берилган гувоҳнома ва ўзлари туғилиб ўсган вилоят, туман ҳамда қишлоқларда давомий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги шахсини билдирувчи паспортлари бор.

Шундай экан, бу тўғрида маълумотга эга бўлган ИИБ ходимлари мардикорларнинг кундалик ишлаб топадиган даромадларидан бенасиб қилиб, уларнинг руҳиятида ҳукуматга нисбатан нафрат уйғотаяпти. ИИБ ходимлари қонунбузарликлар содир этмоқда, ҳамда таъмагирлик қилмоқдалар.

ИИБ ходимларининг бундай ҳатти-ҳаракатлари билан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасини, Ўз.Рес.қонунлари ва Ҳалқаро инсон ҳуқуқлари ҳимояси Декларацияси қонун моддаларини кўпол равишда бузганлар ва бузиб келмоқдалар.

Мен Сиздан ИИБ ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига изоҳ беришингизни талаб қиламан. “Мустақил Мардикорлар Касаба уюшмаси” аъзоси Усманов Орзугулга нисбатан қонунбузарлик қилган ИИБ ходимларини ҳамда Ҳамза туман ИИБ милиция ходимларининг шахсини аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чора кўришингизни талаб қиламан.

Н.Джуманиязов.

Пресс-центр: “Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” жамоат бирлашмаси.

Уйқу билан уйғоқлик орасидаги ҳолат(аросат) энг таҳликали ҳолатдир. Бу ҳолатдаги инсон на уйқу салтанатига ва на уйғоқлик мулкига оид бўлгани туфайли, унда на уйқудаги одамга хос бўлган сезги ва на уйғоқ одамга хос зийраклик бўлади – аслида, инсоннинг ўликлик ҳолатига уйқу эмас, мана шу аросатдаги ҳолат кўпроқ тўғри келса керак.



ўзимизнинг иродамизда каби туюлади. Агар шундай бўлмаганида жаннат ва жаҳаннам сингари ҳилқатлар мазмуни биз учун тушунарсиз бўлиб қолган бўларди.

Ҳалоскор арқон, доим пастдан тепага қараб кўтарила бошлайди. Бу, албатта, физика қонунларига – ернинг тортишиш кучи ҳақдаги назарияга зиддир.

Аммо бу ҳолатни фазодаги вазнсизлик ҳолатига ўхшатиш мумкин, бундай нуқтаи назардан қараганда, арқоннинг пастга эмас, тепага қараб юксалиши том физика қонунига кўради.

Зотан, уйқу билан уйғоқлик ўртаси – фазодаги муаллақликнинг айнан ўзи эмасми?

Аммо биз физика қонунлари ҳақида эмас, балки, бу қонунларни

ри баҳайбат ва ўзининг деворлар сингари ҳайбатли сояларига эга бир бир кўринишда, “монументал” шаклда битилган эди. Бу қонталаш сўз (рангини назарда тутаяпман) шундай ўқилар эди: “IHLAL”.

Бу ёзувни кўриб, уйқум зумда туман каби тарқаб кетди, кўзларим чарақлаб очилиб, сакраб ўрнимдан турдим ва кийина бошладим. Кийинар экан, сўзни унутмасликка ҳаракат қилиб, уни ичимдан тинимсиз такрорлар ва тезроқ бамдод намозини ўқиб, бу сўзни туркча луғатдан излаб топишга шошилар эдим.

Сўзнинг бамдод намозига тааллуқли эканига шу қадар амин эдим-ки, бу сўзни унутиб қўймаслик учун намоз ўқишдан аввал лоақал бир қоғозга ёзиб қўйиш ва ёки аввал луғатга қараб олишга ҳам ҳафсала қилмадим.

Намозни ўқир экан, сўзни намоз пайти такрорлаб юборишдан кўрқиб, миямнинг бир бурчагига ўзимча маҳкамлаган бўлдим-да, хаёлимни жамлаб, намозни охирига етказдим: зотан, бу воқеанинг мендаги намоз ихлосига таъсири шу қадар кучли эди-ки, мабодо, сўзни унутиб қўйганимда ҳам балки, заррача афсусланмаган бўлардим, зеро, юқорида айтганимдай, бу сўзнинг фақат ибодатга алоқадарлигига иймоним комил ва Аллоҳ менга марҳамат этиб, кўрсатган ушбу мўъжизанинг шу ярим қисми ҳам мен учун кифоя эди.

Инончим шу қадар эдики, Сўзнинг луғавий маъносини билишга бўлган қизиқиш хаёлимни намоздан чалғитадиган даражада васвасали эмас эди. Яъний, Мавломдан мен инончим учун ортиқча мўъжиза талаб қилаётганим йўқ эди.

Намозни ўқиб битиргач, луғатни очиб қараб, ИҲЛАЛ деган туркча сўзнинг мазмуни Турк имловий луғатида: “бозма, зарар верме”, яъний, “бузмоқ”, зарар бермоқ”, яна ҳам аниқроғи, “халал бермак” маъносида, Усмонли Турк луғатида ёзилишича эса, булардан ташқари яна “сакатлама” яъний, “оқсоқлантирмоқ” маъносида ҳам келар экан.

Бу сўзга таъриф сифатида “Osmanlıca Türkçe Sözlük”да: “Anda iblisin ne hacet mekrine, ihlaline” (Наби) деган бир шеърий мисол ҳам келтирилган экан.

Бу сатрнинг ўзбекчаси шу шаклда ўқилади: “Анда иблисининг не хожат макрига, ихлолига”.

МЎЪЖИЗА ТАЛАБ ҚИЛМАГАН ЭДИМ...

Баъзан соат жиринглаган пайтда сен ана шундай шундай ҳолат ичида бўласан – тубсиз ва қоронғи жарлик ичида ётган борлигинда даярли ҳеч қандай сезги бўлмайди. Ҳатто соат жирингининг нима эканини ҳам англай олмайсан, бу ғира-шира сас товушдан кўра кўпроқ сенга арқонни эслатади.

Товуш, яъний, соат жиринги чўзилгани сайин, арқон, аниқроғи, арқон туйғуси ҳам узая бошлайди. Сени чуқур жарликдан тепага, ёруғ дунёга олиб чиқиши лозим бўлган бу арқоннинг ноёблиги шундаки, у тепадан пастга қараб тушмайди, яъний, у тепадан жар тубида ётган сен томонга эмас, балки, сендан тепага қараб юксала бошлайди ва у то ер юзига чиққунга қадар юксалади. Арқоннинг учи ер юзига етгач, сен бу арқонга осилиб юқорига чиқиб оласан.

Аммо баъзида арқон қисқароқ бўлиб қолади (соатнинг кўнғироқ мурватларига озроқ тоб берилган пайтлари), шунда сен бу арқонни ўзинг узайтиришга мажбур бўласан. Соат товушидан иборат бирданига кесилган бу қисқа арқонга соат жиринги ғира-шира уйғотган шуурингдан келаётган таърифсиз бир сасни, овозни улайсан ва бу қурама арқонга ёпишиб, тирмашиб юқорига чиқиб оласан.

Билмайман, соатнинг қисқа товушини узайтирган ичингдаги бу сасни нима деб аташ мумкин? Мен бу сасни ўз нафсимга хушомад тарзида “иймон саси” деб атагим келади.

Аммо ҳақиқатни билгувчи ёлғиз Аллоҳдир... Нима бўлганда ҳам, ушбу ҳалоскор арқонни бизни ёруғ дунёга олиб чиқиш учун етadиган даражада узайтириш иши

тўла рад этувчи нарсалар ҳақида гапирмоқчимиз. Юқорида айтганимиздек, ҳалоскор арқон доим пастдан юқорига, яъний, қоронғилик тубида ётган биздан ёруғ дунёга қараб узая бошлайди. Аммо у баъзида, жуда кам ҳолларда, Аллоҳнинг марҳамати сингари тепадан ҳам тушиши мумкин. Бу хусусда ўйлар эканман, бир воқеа эсимга тушади.

Туркияга илк бор келган ва ҳали туркчани, қардош тил бўлишига қарамай, яхши тушунмайдиган пайтларим шундай бир воқеа содир бўлди. Сахар пайтларидан бирида, бамдод намози арафасида чуқур уйқуда ётар эканман, масжиддан азон овози эшитила бошлади. Бу овоз, азон айтилаётган масжид уйимизнинг том қаршисида, кўчанинг нариги тарафида бўлишига қарамай, жуда узоқдан эшитилар ва бу узоқлик вужуд ва руҳдаги ялқовликка дадиллик, аминлик ва роҳат бағишловчи бир узоқлик, масофа эди. Мен руҳ ва вужуддаги оғирликни енга олмай, “ҳозир тураман, ҳозир таҳорат оламан”, деб ўзимни алдаб ётар эканман, қандай қилиб яна чуқур уйқу жарлигига қулаганимни билмай қолдим.

Аммо бу толғинлик узоқ чўзилмади: бирдан юмуқ кўзларим ўнгидаги қоронғиликда ярқ этиб, қизил рангда ёзилган нотаниш бир сўз пайдо бўлди. Бу сўзнинг ёзилиш услуби ва ҳарфлари ҳар қандай мистикадан йироқ бир кўринишда эди.

Ёзув лотин ҳарфларида ва мен болалигимда ёзишни ҳавас қилиб, тинимсиз ва астойдил машқ қилган, аммо ҳеч ўхшата олмаган, ҳар бир ҳарфи бир уй, бир иншоот синга-

(Сурия диктатори хақида мақола)

Таржимондан: Маълумки, Сурия диктатори Башар Асад шу йилнинг 6 январь кунини ўз халқига мурожаат қилиб, ўзини гуноҳсиз, мухолифларни жиноятчи қилиб кўрсатишга уринди.

Бундан олдин ҳам диктаторлар Бин Али, Муборак ва Каддафийлар ҳам ўзларининг беғуноҳлигини, ҳамма айбнинг халқда эканлигини исботлашга уринишган эди. Аммо бу диктаторлар кўп ўтмасдан тахтдан ағдарилди. Шубҳасиз, Сурия диктаторининг ҳам, бошқа диктаторларнинг ҳам тақдири шундай бўлади. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу мақолада шу ҳақиқат таъкидланади.

ЖОНИНГ ЖАҲАННАМГА КЕТСИН!

Асад оиласи Ҳама воқеаларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда камида 100 минг кишини ўлдирди. Бу муносабат билан ҳеч ким жавобгарликка тортилмади.

(Сурия диктатори) кум йиғинлари каби каллалардан миноралар қуриб, ўз йўлида давом этишни истамоқда. Ўтган йилги ноябрь нутқидан кейин шу йилнинг 6 январь нутқидан бутун кўприкларни йиқиб ёқди. Бу диктаторнинг ўзини Худо деб билиши аниқ. Ўзи кечирим сўраш ўрнига мухолифларни шартли равишда кечирини ҳақида гапирди. У Муборак каби, Каддафий каби ва Бин Али каби воқеъликдан (ҳақиқатлардан) узоқ яшамокда. Ўзини Худо ўрнида кўргани учун ҳам у ҳақиқатларга эмас, ҳақиқатлар унга эргашиши керакдек гўё. Нутқидан бутун жиноятларни иккинчи ярамас Маликий каби мухолифларга ва уларга ёрдам берган ташқи кучларга ағдарди. Ўзи эса “Худолик” сифати туфайли қонуний раҳбар бўлиб қолишни истади. “Аслида аввал бошдан муаммони сиёсий йўл билан ҳал қилишни истаган эдик, аммо биз билан музокара олиб борадиган тараф топилмади”, дейди. Бу унинг ўзини доимо масалани ҳал қиладиган тараф сифатида кўришига далилдир. Акс ҳолда дунё тузуми йиқилиб кетар эмиш!

Ҳеч бир шаклда иктидордан тушиш у ёқда турсин, уни бўлишишга ҳам яқин келмади. Зеро, бундай режим билан иттифок тузиш ҳам кишининг ўз-ўзини тузоққа отишини билдиради. Башар Асаднинг сўнгги нутқи унинг ўзини маъносиз ва ботил сўзлар билан мудофаа қилишидан бошқа нарса эмасдир.

Намойишчилар илк кунларда ва ҳафталарда ислохотлар ва ўзгаришлардан баҳс юритган эдилар. Суҳаёр Атасий каби мухолифлар 2000 йилдан бери ислохот ва мулоқот истаганликларини, аммо Асад у замонлар кучли бўлганлиги учун мулоқотдан қочиб, қамқонналарни мухолифлар билан тўлдирганини айтади.

Фақат ўзининг қонунийлигини узайтиргани учун мухолиф ҳисоблаганлари билан ҳамкорлик қилган. Демак, Башарга кўра мухолифат фақат унга хиз-

мат қилиши керак. Бу эса ҳақиқатга зиддир, чунки ҳукуматга хизмат қиладиган мухолифат мухолифат эмас, ҳукуматнинг бир парчаси ҳисобланади.

Тарихий, дея мадҳ қилинган аммо ҳеч бир янгилик бўлмаган нутқидан Араб Баҳорининг устидан қулиб, бу баҳорни эриган бир кўпик, дея таърифлади. Аслида ўтган 21 ой давомида эриётган нарса Асад режимидир. Ўзининг эриётганини кўрмайдиган даражада ҳақиқатдан узоқдир. Бу диктаторнинг ўзи араб баҳори шамолида бир кум соати каби эримокдадир.

Чунки унинг нутқига жавоб берган мужоҳидлар араб баҳорининг кум соатига боғланган бомба каби унинг саройи устида портлашини ва

тўхтар эмиш.

Масалани сиёсий йўлдан ҳал қилишни доимо истаганини, аммо музокарага ўтирадиган тараф топа олмаганини айтади. Бундай тараф йўқ дейди, айна пайтда қуролли мухолифларни эътироф қилмай, миллий мулоқот мажлисини бошлаш ҳақида гапирди. Ташқи кучларнинг кўғирчоғи, дея ҳисоблайдиган сиёсий ва ҳарбий мухолифларни эътироф этмасдан, қандай қилиб тинчлик ва миллий мулоқот ҳақида гапира олади?

Бу нутқни эшитган Лаҳдар Иброҳимий зарра қадар ўзини ҳурмат қилса дарҳол истеъфога кетиши керак. Бу ахволда муаммони сиёсий йўл билан ечишни имкони йўқ, Иброҳимийнинг таъбири билан айтганда, Башар жаҳаннамни танлаганга ўхшайди.

Ажабо, бу диктатор яна вақтдан ютиш ва бир нарсаларни бажараяпман, дея кўзбўямачилик қилиш билан халқро майдонда ўз қонунийлигини кўришга уринмоқдами? Мақсади бу бўлса, у хусронга учрагандир. Аммо энди йўқотадиган ҳеч нарсаси қолмагани учун охириги сўзларини айтаётган бўлиши ҳам мумкин. Террорни тўхтатишдан, чегарларни назорат қилишдан, шундан кейин ҳарбий кучларининг урушни тўхтатишидан кибр билан гапирди. Шундан кейин миллий мулоқот бошланиши, миллий дастур ишлаб чиқиши ва у референдумга қўйилиши керак эмиш.

Иккинчи босқичда кенг иштирок билан ҳукумат тузилиб, конституция ишлаб чиқилиб, халқнинг тасдиғига қўйилар экан. Шундан кейин агар маҳбуслар ўлмай қолсалар Башарнинг умумий авфига сазовор бўлар эмишлар. Башар 2011 ва 2012 йилларида парламентни янгилаган ва баъзи қонунларни ўзгартирганди. Ижрочи ўзгармагунча қонунларни ўзгартириш оддий алдовдан иборат бўлиб қолаверади. Асосий муаммо Асаднинг ўзи эканлигини у кўра олмаяпти. Конституция ва ҳоказалар сунъий муаммолардир. Муҳими мамлакатни ким бошқараётганидир. Авваллари бошқаларни алдамқончи бўлган бу диктатор энди ўзини алдашни истамоқда.

Сўнг нутқидан “Аллоҳ душманларига” қарши урушаётганликларини айтди. Унга кўра бу тўғридир. Аввалги нутқидан эса 50 йилдан бери исломчиларга қарши уруш олиб бораётганларини айтганди. Секуларизмни ҳимоя қилгани учун тўпга тутилганини айтганди. Энди эса “Аллоҳ душманларига” қарши урушаётганини айтмоқда. Фиръавн каби ўзини Худо, деб билгани учун бундай дейиши табиийдир. Шунингдек, халқни кўриш учун ўзини фидо қилганини айтди. Халқ эса “зарар бермасин, ундан бошқа ёрдам истамай-миз” демоқда...

Уни қўллаб қувватлаётганлар билан бирга жони жаҳаннамга кетсин!

Мустафо Ўзжон
Туркчадан Намоз Нормўмин ўғирди



бу диктаторни тахтидан ағдаришини айтмоқдалар.

Башар Асад бу нутқи билан Лаҳдар Иброҳимий ва ташқи музокараларга тўсик қўйишни истади. Бу нутқи билан русларнинг “биз уни истеъфога кетишга рози қила олмаяпмиз” сўзларини ҳам тасдиқлади. Лаҳдар Иброҳимийнинг уринишларига чегара қўйди. Бу билан ўзининг сиёсий келажагини баҳс доирасидан чиқаришни истади. Ҳали ҳам “ал Асад илал абад” (яъни абадиятга қадар Асад) дейди. Иккинчидан, мухолифларни ташқи кучларнинг кўғирчоғи, дейди. Бу кўғирчоқлар ўрнига уларни ўйнаётган ташқи кучлар билан музокара олиб бориши мумкинлигини айтади. Башар бу нутқидан янада кўпроқ кибр билан қатлиом тарафдори эканлигини кўрсатди. Бу ҳолда мухолифлар у билан кўришиш ўрнига, бу диктаторни қўллаб-қувватлаётган Эрон, Русия ва Хитой билан музокара олиб борсалар яхши бўлади. Зеро, Башар бу давлатларга очик ойдин ташаккур айтди. Бу нутқ унинг нафақат ҳақиқатдан узоқлиғига, айна пайтда ахмоқ эканлиғига ҳам бир далилдир.

Нутқининг моҳияти шундан иборат: ўзи ва қилган жиноятлари ҳақида гапирмай туриб, мухолифларнинг унга таслим бўлишини истамоқда. Нутқининг қолган қисми илова моҳиятидадир. Ўзича гўё зафар нутқини сўзлагандай. Ҳолбуки бу бир видо нутқига ўхшайди. Мухолифларга ташқаридан ёрдам берилишининг тўхтатилишини истади. Мухолифларнинг қуроллари ўт очишдан тўхтаса, жавоб ҳаққини ўзида сақлаб қолган режим аскарлари ҳам қатлиом қуролларидан ўт очишдан

Сунъий йўлдошдан олинган сўнгги фотосуратлар Орол денгизи йўқотилди, деган фикрларни кучайтирди. Ҳозир денгизнинг 90% қисми сахрога айланиб улгурган.

Айниқса, Ўзбекистон тарафида денгиздан деярли ҳеч нарса қолмаган. Америкалик журналист ва тадқиқотчи Тара Фитзжеральд яқинда Оролнинг ҳам Ўзбекистон ва ҳам Қозоғистон тарафида бўлиб, вазиятни кузатган.

Би-би-си Ўзбек Хизмати Тара Фитзжеральдни суҳбатга



‘ТОЖИКЛАР РОҒУННИ ҚУРСА, БУХОРО ВА ХОРАЗМНИНГ ҲОЛИ ВОЙ БЎЛАДИ’

тортди ва аввало, Орол денгизи деймизу, аслида бу денгиз қолганми, деб сўраган.

Тара Фитзжеральд: Денгиз бор, лекин у жуда ҳам қисқариб кетган. Ҳали 1960-йилларгача ҳам Орол денгизи дунёнинг тўртинчи йирик ёпиқ денгизи эди. Ҳозир бу денгиз сувининг 90% қисми йўқолди, сатҳи эса 80%га қисқарди. Қурйи бошлаган Орол иккита алоҳида қисмга бўлиниб кетган. Қозоғистон қисми Кичик Орол дейилади. Ўзбекистондаги асосий қисми эса Катта Орол, деб аталмоқда. Ўзбекистондаги Катта Оролни аллақачон йўқолиб бўлди, дея уни тиклашдан умид узишган. Аммо Қозоғистон ўз ҳудудидаги денгизни кенгайтириб, у ерда балиқчиликни жонлантиришга интилмақда.

Би-би-си: Нега Қозоғистон Кичик Оролни кенгайтираётган бир пайтда Ўзбекистон ўз ҳудудидаги денгизни тирилтира олмаяпти. Сабаби нимада? Қозоғистоннинг пули кўпми ва ё Ўзбек ҳукумати эътибор бермаяптими?

Тара Фитзжеральд: Ҳар икки фикрда ҳам бироз жон бор. Қозоғистонда маблағ кўпроқ ва уларда сиёсий истак-ирода ҳам бор. Бунинг устига, Қозоғистон ҳиссасига қуриётган Оролнинг кичик қисми тушган. Кичик Оролни бошқариш имкони бор. Қозоқлар Жаҳон Банки билан биргаликда ана ўша Кичик Оролни тўғон билан Катта Оролдан бутунлай ажратиб олишди. Кейин Сирдарёдан келадиган сув Катта Оролга кетмай, Кичик Оролнинг ўзида тўплана бошлади. Яъни Қозоқ тарафидаги сув Катта Оролга оқиб кетиб, сахрога сингиб ёки буғланиб кетаётгани йўқ. Айни дамда, Қозоқ томонида Сирдарё суви ҳамон Оролга қуйилапти. Ўзбек тарафида эса Амударё ҳозир Оролга етиб бормайди. Ўзбекистон Оролни асраш учун зарур сувга ҳам эга эмас.

Би-би-си: Демак, Ўзбекистон ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда денгизни кутқаришга қодир эмас, шундайми?

Тара Фитзжеральд: Ўзбекистонда унчалик кучли сиёсий истак-ирода йўқ. Лекин ўзбекларда ҳозир Оролни кутқариш учун зарур пул ҳам йўқ. Биласизми, Ўзбекистон тарафида денгизнинг жуда улкан ва асосий қисми бор эди. Мамлакат уни сақлаб қолишга имконсиз

эди. Ўзбекистон тарафи бу масалада халқаро ташкилотлар билан етарлича ҳамкорлик ҳам қилмади. Масалан, Қозоғистон ҳам ўз кучи билан Кичик Оролни қайта тўлдира олмасди.

Би-би-си: Сиз Ўзбекистон ҳамкорлик қилмади, деяпсиз. Лекин мен, шахсан, етакчи Ўзбек мутахассислари билан бу масалада кўп гаплашганман. Уларга кўра, халқаро ҳамжамият аслида Оролни кутқаришга етарли эътибор ва маблағ ажратмаган. Бир етакчи ўзбек мутахассиси халқаро Орол анжуманига борса, у ердаги ғарблик мутахассислар хатто Орол денгизини Ўрал тоғлари билан алмаштириб ўтиришган экан. Шу боис, айбни Ўзбекистоннинг устига ағдаравериш адолатдан, деб ўйлайсизми?

Тара Фитзжеральд: Йўқ, албатта... Мен Оролнинг Ўзбекистон тарафида бир пайтлар бандаргоҳ бўлган Мўйноқ шаҳрига борганимда аччиқ латифа эшитдим. Одамлар мен билан суҳбат жараёнида “Орол бўйига келган ҳар битта одам бир челақдан сув келтирса, аллақачон денгиз қайта тўлган бўларди” деб ҳазил қилишди. Ростдан ҳам Орол бўйида яшовчи одамлар дунё бизни унутган, деб ўйлашади ва улар истаган ёрдам ва эътибор масаласида халқаро ҳамжамият керагича иш қилмаётганини айтадилар.

Би-би-си: Дарвоқе, сиз мана яқинда Қорақалпоғистондан келдингиз. Оролнинг Ўзбекистон тарафидаги ҳаёт борасида маълумотлар жуда кам. Умуман, у ерда инсонлар қандай яшашмоқда?

Тара Фитзжеральд: Оролнинг Ўзбекистон тарафи, шаксиз, ҳаёт асари йўқ ва ташландиқ туюлади. Бу ерлар Ўзбекистоннинг жуда овлоқ ҳудудлари ва қорақалпоқларнинг айтишича, ўзбек ҳукумати ҳам, дунё ҳам уларни унутиб қўйган. Ҳеч ким биз учун қайғурмайди, деган қарашлар кучли. Мўйноқ аҳли азалдан балиқчилик ва кемасозлик билан шуғулланиб келган. Аммо бугун айни соҳалар йўқолиб кетган ҳисоб. Шу бўлса, кўплаб эрақлар иш излаб бошқа ўлкаларга кетишга мажбур. Кўпчилик Қозоғистонга кетмоқда.

Би-би-си: Айрим хабарларга кўра, қорақалпоқлар Ўзбекистонни ташлаб, бутунлай Қозоғистонга кўчиб кета

бошлашмоқда. Бу гаплар қанчалик ҳақиқатга яқин?

Тара Фитзжеральд:

Мен ҳам бу ҳақида эшитдим. Менимча, бунинг сабаби бошқа жиҳатларга ҳам боғлиқ. Қорақалпоқлар миллий ва тил жиҳатдан ўзбекларга эмас, балки қозоқларга кўпроқ яқин ва уларнинг орасида ўзаро меҳр ҳам кучлироқ. Шу боис Қозоғистонга кетиш улар учун катта қадам эмас. Жўғрофий жиҳатдан эса чегара оша Қозоғистонга ўтиб кетиш осон.

Би-би-си: Мана сиз Оролнинг икки тарафида ҳам бўлгансиз. Агар Ўзбекистон ва Қозоғистон тарафини солиштирсангиз, хотирада муҳрланиб қолувчи энг катта фарқ нима?

Тара Фитзжеральд:

Қозоғистоннинг Орол ёки русчада Аралск, деб аталадиган шаҳарчасига борсангиз, у ерда ҳамон ҳаёт мавжудлигини, одамлар кўнглида умид сўнмаганини кўрасиз. Инсонлар учун иш бор, кичик тижорат қилиш мумкин, балиқчилик жонланмоқда, завод-фабрикалар очилапти. Ўзбекистон тарафида эса ҳаёт нуқсини кўрмайсиз. Мўйноқ шаҳри битта узун кўча бўйлаб чўзилиб кетган. Уйлар нурамоқда, қандайдир бўшлиқ ҳукмрон. Атрофда ташландиқ эски касалхона, балиқчилик хўжаликлари ва заводларни кўриб, у ердаги ҳаёт қанчалик умидсиз эканини илғайсиз. Қозоғистонда аҳвол бу даражада эмас.

Би-би-си: Сиз Оролнинг Ўзбек тарафидаги ҳаёт ва денгиз тақдири борасида Ўзбекистонда мутахассис ва ё расмийлар билан гаплашдингизми? Улар нима дейишади?

Тара Фитзжеральд: Мен бир ҳукумат мулозими билан гаплашишга кўп ҳаракат қилдим, лекин ҳамон у билан учраша олганим йўқ. Асосан, минтақада иш олиб борган халқаро ташкилотлар билан, мутахассислар билан гаплашдим. Орол масаласи Ўзбекистон учун жуда ҳассос мавзу. Чунки денгиз қуриши қайсидир маънода пахта санотига ҳам боғлиқ. Шу боис одамлар бу борада гапиришни хушлашмайди. Чунки гапдан гап чиқиб, денгиз қуришида ким ё нима айбдор, деган саволлар чиқиб келаверади.

Би-би-си: Ўзбеклар Оролни кутқариш борасида жуда умидсиз. Ҳозирги ҳолида сақлаб қолса ҳам катта гап, қабилидаги фикрларни эшитганман. Сизнингча, ҳозир Ўзбекистон нима қила олиши мумкин?

Тара Фитзжеральд: Мен бутунлай умидни узиш керак, деган фикрни айтишдан ўзимни тийган бўлардим. Лекин Оролни жонлантириш учун Ўзбекистон жуда катта маблағ сарфлаши керак.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Авалло, Амударёни Оролга етказиш учун канал қазиб лозим. Ўзбек тарафида қолган денгиз қисмида сувнинг шўрланиши даражаси жуда баланд ва бу сувда бирон турдаги балиқнинг яшаб кетиши имконсиз. Ушбу воқеликлар денгизни тиклаш ва ё балиқчилик саноатини жонлантириш ҳаракатлари йўлида турадиган илк тўсиқ ва муаммолардир. Орол денгизининг Ўзбекистон тарафида қолган денгизга қўлингизни солсангиз, сув шунчалик шўрки, ундаги туз қўлингизни ачиштиради. Қозоқ тарафида эса шўрланиш бу даражада эмас. Фарқни билиш учун қўлингизни шунча-

энг баланд тўғонни ташлаб, улкан ГЭС қурмоқчи. Демак, бу йўлдаги Ўзбекистоннинг хавотирлари жуда ўринли, шундайми?

Тара Фитзжеральд: Шаксиз, шаксиз. Роғун қурилиши борасида Ўзбекистон билдираётган хавотирлар жуда ўринли ва асосли. Мен шундай фикрдаман. Алал оқибатда бунақа ишларнинг жабрини ўзбеклар тортишмоқда. Оқибатлар эса жуда тушқун ва фожеали кўринишда юзага чиқади. Афсус, минтақа давлатлари сув масаласида етарли даражада ҳамкорлик қилишмаяпти.

Би-би-си: Агар Тожикистон Роғун

‘ТОЖИКЛАР РОҒУННИ ҚУРСА, БУХОРО ВА ХОРАЗМНИНГ ҲОЛИ ВОЙ БЎЛАДИ’

ки денгизга солиб кўрсангиз бўлди.

Би-би-си: Тақдир ўйинини қарангки, ҳали 20 йил олдин ҳам Сирдарё Оролга етиб бормай қолганди. Минтақанинг энг серсув дарёси бўлиши Амударё эса қуйилиб турарди. Бугун эса аксинча, Сирдарё Оролга қуйилмоқда, Амударё эса йўқ. Бунинг сабаби нимада?

Тара Фитзжеральд: Мен бу воқеликни тўла тушунмайман. Билишимча, Сирдарё Орол денгизига етмай қолганида бутун денгиз йўқотилди, деган фикрга келинган. Кейин Сирдарё бўйида яшовчилар сувни тежай бошлаган ва дарёга тўғон ташлаганлар. Ушанда одамлар Орол денгизини бутунлай нутиб юборишганди. Кейинроқ, 1980-йиллари янги балиқ турларини олиб келиб, дарё тўғонини очишган. Шу асно Сирдарё Оролга қуйила бошлаган.

Би-би-си: Лекин Ўзбекистон тарафида Амударё нега Оролга етмай қуриб кетмоқда?

Тара Фитзжеральд: Бунинг сабаби оддий. Амударёдан жуда кўп сув олинмоқда ва дарё ўзанида сув йўқ. Шу боис Оролга етмасдан Амударё суви тугаяпти. Мўйноққа яқин ерларда Амударё буткул йўқ бўлиб кетади.

Би-би-си: Амударё сувини энг кўп ким қуриятаяпти? Сунъий кўл қураётган туркманларми, сувталаб пахта экаётган ўзбекларми, улкан ГЭСлар қуришга интилаётган тожикларми ёки бироз тинчиб, деҳқончилик учун суғориш сувини ола бошлаган афғонларми?

Тара Фитзжеральд: Менимча, ҳар ким оз-оздан сувни олмоқда. Назаримда, Марказий Осиёдаги сув захираларидан қандай фойдаланиш жараёни рисоладагидек назорат қилинаётгани йўқ. Орол муаммоси ҳозир фақат икки мамлакат – Қозғистон ва Ўзбекистон елкасига тушмоқда. Лекин мавжуд ҳолатни ўзгартириш фақат бу икки мамлакатга боғлиқ эмас. Оролга келадиган дарёлар бошқа мамлакатлардан ҳам оқиб ўтади. Шу боис сув назорати соҳасида бошқа мамлакатлар ҳам ҳамкорлик қилишлари керак.

Би-би-си: Ҳозир бундай ҳамкорлик йўқ. Аксинча, Тожикистон Амударёга келадиган дарё устида дунёдаги

ГЭСини курса, бунинг натижаси Орол ва Ўзбекистон учун қандай кечади?

Тара Фитзжеральд: Шаксиз, унда Ўзбекистон учун ҳеч қандай яхши натижалар бўлмайди. Орол денгизига келсак, воқелик у қадар ўзгармаса керак. Чунки Амударё шундоқ ҳам денгизга етмай, йўқолиб кетмоқда. Фожеа бундан ортик яна қандай бўлиши мумкин?

Би-би-си: Лекин Роғун ГЭСи омборига сув тўплаш жараёнида Амударё ҳажми бир неча йил тортилса, унда Хоразм ва Бухорога нима бўлади? Бу икки воҳадаги ҳаёт бутунлай Амударёга боғлиқ-ку?

Тара Фитзжеральд: Албатта, бу икки минтақа тақдирини борасидаги хавотирлар асосли. Хоразм ҳам, Бухоро ҳам ҳамон оқиб турган Амударёга қараб қолган. Устига-устак, улар икки улкан сахро – Қорақум ва Қизилқум ўртасида жойлашган. Шу боис у ердаги ҳаёт учун Амударё оқиб туриши муҳим. Хуллас, Роғун ГЭСи қурилса, Қорақалпоғистонгача бўлган худудлар – Бухоро ва Хоразм учун оқибатлар аянчли бўлади. Бу – менинг фикрим.

Би-би-си: Айрим иқтисодчи ва деҳқончилик мутахассисларига кўра, агар Ўзбекистон сувталаб пахтадан воз кечиб, боғдорчиликка ўтса, унда қарийб 50 баравар кам сув ишлатилади ва натижада ҳам сув, ҳам озик-овқат таъминоти яхшиланади. Бу гаплар бир хомхалелми ёки асосли илмий-назарий хулосаларми?

Тара Фитзжеральд: Менимча, бу қарашлар иқтисодий асосларга эга. Лекин уни амалда қандай қилиб бажариш мумкин – бош муаммо ана шу ерда. Биз иқтисоди битта экин – пахтага боғлиқ бутун бошли мамлакат ҳақида гапираёلمиз. Бу жараён бошингиздан дўппини ечгандек, бир зумда амалга ошириладиган иш эмас. Мазкур ўзгаришлар узок муддатли режалаштириш ва босқичма-босқич алмашилиши жараёнларини кўзда тутган ҳолда бажарилиши керак. Лекин Ўзбекистон ҳукумати қанчалик узокни кўзлаётгани ҳам бу ерда муҳим ўрин тутди. Улар қисқа муддатда олинадиган фойдадан воз кечиб, пахта экишни тўхтатишмаса керак.

Би-би-си: Мутахассисларга кўра, пахта нархи арзон ва бу баҳо пахтанинг таннархини, яъни ҳосил олингунча кетган меҳнат, сув ва сарф-харажатни қопламайди. Шундай ҳолатда Ўзбекистон ҳукумати секин-аста бўлсаям пахтадан воз кечиши керак, дейишади. Аммо ҳукумат бу йўлда қандай мавқеини тутаётгани сезилади-ми?

Тара Фитзжеральд: Мен одамлар билан гаплашиб, ушбу масалада ўзгаришлар борлигини илғадим. Лекин улар жуда ҳам жузъий ўзгаришлар ва катта натижалар ваъда қилмайди. Ўзбекистон иқтисодини ранг-баранглаштириш зарур ва битта экинга кўз тикиб қолиш яхши эмас. Аммо тарих кучли нараса экан. Чунки пахта ўзбек жамияти ва иқтисодига шунчалик чуқур сингиб кетганки, ундан воз кечиш қанчалик осон кечишини тасаввур ҳам қилолмайман.

Би-би-си: Тожикистон ва Қирғизистон, ҳойнаҳой, янги ГЭСлар тиклашади, аҳолиси катта Ўзбекистон тобора кўпроқ сув истеъмол қила бошлайди ва Афғонистон ҳам тинчиса, деҳқончилик тикланиб, суғорма сувга эҳтиёжи ортади. Шу асно Оролга тобора камроқ сув боради. Иқлим исииши рост бўлса, музликлар тез эриб, дарёлар тортилади. Шундай ҳолатда минтақани яқин орада қандай тақдир кутмоқда?

Тара Фитзжеральд: Бу мамлакатлар фақат биргаликда ҳаракат қилишса, узок муддат омон қолишлари мумкин. Улар ўз ҳолича ҳаракат қилиб, сув ва бошқа захираларни, ўз келажакларини асраб қолишга қодир эмаслар. Чунки минтақа давлатлари тақдирини чамбарчас боғлиқ кетган. Минтақада узок муддат ҳаёт мавжуд бўлиши учун бу мамлакатлар ҳамкорлиги сув билан ҳаводек зарур.

Би-би-си: Орол денгизининг 90% қисми йўқотилди. Аҳвол бундан ҳам ёмонлашса, Ўзбекистон тарафида яна қандай фожеаларни кутиш мумкин?

Тара Фитзжеральд: Тўғриси, бундан баттар бўлишини тасаввур қилиш амримаҳол. Мўйноқда иқтисод йўқ, денгизда ҳеч бир жон яшамайди, денгизга боғлиқ бирон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконсиз. Ҳозир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёллар қўл меҳнатини ривожлантириш бўйича кичик-кичик лойиҳаларни бошламоқда. Лекин бу мавжуд ҳаёт тарзини сақлаб қолиш йўлидаги уринишлар, ҳолос.

Би-би-си: Демак, энди Орол денгизини йўқотиб бўлдиқ, у энди қайтмайди, деб бемалол айтишимиз мумкин, шундайми?

Тара Фитзжеральд: Мен Оролни қайтаришга умид қилмаслик керак, деган бир тушқун фикрни айтишни ис-тамаган бўлардим. Бирок вазият умидли кўринаётгани ҳам йўқ. Агар ниманидир сақлаб қолиш мумкин бўлса, бу ҳам Қозғистон тарафидаги Кичик Орол-дир. Ўзбекистонда эса Орол йўқотилди. Энди денгизни эмас, денгиз бўйида яшаган одамларни асраб қолиш ҳақида гапириш мумкин, ҳолос.

Хабарларга қараганда (ozodlik.org) Ўзбекистон – Қирғизистон чегарасида яна ихтилоф чиққан ва чиққан отишмада инсонлар яраланган. Хўш чегарадаги бундай тўс– тўполондан ким манфаатдор?

рани Қирғизистонда ҳам кўришимиз мумкин. Қачон бу мамлакатга бирон инқилоб керак бўладиган бўлса, олдин у ердаги ўзбек аҳоли қатлиом қилиниб, кейин навбатдаги инқилоб амалга оширилади...

ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ТЎС– ТЎПОЛОНДАН КИМ МАНФААТДОР?



Ҳеч шубҳасиз бундан Ўзбекистондаги диктаторлик ва Қирғизистондаги “демократик” (амалда маҳаллийчиликни ва миллатчиликни байроқ қилиб олган)

ҳукуматлар манфаатдордирлар. Диктатор Каримовнинг Ўзбекистонда парламент ва президентлик сайловлари яқинлашиши билан бир жойни “портлатиб” юбориш тактикаси ўзбек ва дунё жамоатчилига яхши маълум.

2000 йилги президент сайловларидан олдин 1999 йилда Тошкентда ва 2007 йилги сайловлардан олдин 2005 йилда Андижонда “террористлар” (амалда Каримовнинг МХХ си) тўс– тўполондан чиқарган ва натижада ўзбек халқи қатлиом қилинганди. Худди шундай манза-

Ўзбекистонда 2014 йилда парламент сайловлари, 2015 йилда Президент сайловлари ўтказилиши керак. Қирғизистонда эса янги ҳукумат ўзига кўрсатилган ишончни оқламади. Шундай экан, бу икки давлатда қандайдир портлашлар ва тўс– тўполонлар чиқиши керак эди-да? Шундай эмасми? Шунда диктатор Каримов мана кўринглар мен ёки қизим тахтда ўтирмаса “тинчлик” бўлмайди, дея осонгина сайловларни ўтказиб олишни режаломқда. Баҳонада Қирғизистон ҳукумати ҳам ўзининг муваффақиятсизликларини Ўзбекистон томонига тўнкайди.

Шу шаклда инсоф ва адолатдан узок бу икки ҳукумат иш бошида қолишга эришади... Аммо бу мутлақ қоида эмас. Кутилмаганда бу фитначи ҳукуматлар ўзлари қазиган қудуққа ўзлари тушишлари ҳам мумкин? Ана шунда Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ва давлатлари орасида ҳақиқий дўстона муносабатлар ўрнатилди...

Абдурахмон Муҳаммад
7 январь 2013 йил.



ҲАҚИҚАТДАН ЧАЛҒИТДИ ОДНО

Статуслар ёзар рости йўқ,
Друзьялар кўп чин дўсти йўқ,
Шу эрмакка барча кўнгли тўқ,
Ҳақиқатдан чалғитди одно.

Умр ўтар шундай нетларда,
Агент,mail, хар-ҳил чатларда,
Олтинга тенг бу фурсатларда,
Надоматдан чалғитди одно.

Ёддан чикди тасбеҳузикр,
Яратганга қилмасмиз шукур,
Ортга бокиб айлайлик фикр,
Ибодатдан чалғитди одно.

Коментларда доим урушлар,
Жилмайишлар,гоҳ юз буришлар,
Тўкилади хатто кўз ёшлар,
Адолатдан чалғитди одно.

Кечалар ҳам ором йўқ хатто,
Уйқудан ҳам интернет аяло
Бу соғлиқка катта муаммо,
Халоватдан чалғитди одно.

Ўз домига тортди бирдайн,
Хамма ёқни босди селдайн,
Охири ҳам эсиб елдайн,
Тубсиз жарга ирғитди одно.

Odnoklassniki.ru дан
Я МУСУЛМАНИН – УЗБЕК

МЕҲРОБДАГИ ЯНГИ ЧАЁНЛАР

Илм ва аҳли илмлар ҳақида ниҳоятда катта масъулият билан сўзлаш керак. Чунки илм нур, аҳли илмлар эса шу нурнинг ташувчиларидир. Илм инсон ақлининг озиғи, ақл эса инсонни ҳақиқий инсон даражасига кўтарадиган куч ҳисобланади. Сўз бошида айтиладиган энг муҳим икки нуқта илмни Аллоҳ таоло Ўзи севган бандаларига бериши ва илмни амалдан ажратишнинг имконсизлигидир. Яъни, илм сув эса, сув чанқокни кетказиши керак. Сувнинг чанқокликни кетказмаслигини мантиқ қабул қилмагани каби, чанқокни кетказмайдиган сув ҳам сув эмасдир...

Илмни тўғридан тўғри сув, дея ҳам талқин қилишимиз ҳам мумкин. Чунки илм инсон фитратига имон илдизини ҳаракатга кечиради, бу илдиздан имон ўсиб чиқади ва инсон бу улуг номга ярашган инсон шаклини олади. Акс ҳолда инсон асфалософилин аҳлига айланади: тубан, кўриниши инсон ўзи шайтон ҳолидаги махлуқ бўлиб қолади...

Илм шундай муборак манбадир, кучдир. Ҳақиқий илм нақл (вахий) ва

ақлнинг ҳамкорлигининг маҳсулидир. Нақл илм манбадир, ақл унга таяниб илмни ўзлаштиради. Агар бир шахсда бу ҳамкорлик ўртага чиқмаса ки, бу ақлнинг нақлни инкорини билдиради, бу ҳолда нақл ўзининг мубораклигини кўрийдди. Аммо уни инкор этган ақл ўзини ўзи ейди, ўзбошимча саҳроларда йўл излайди, ҳавойи нафс орзулари ва мастлик билан ўзини овутишга уринадди ва охир оқибат кимсасиз ҳолда қолиб, хонавайрон бўлади. Шунинг учун ақлини илоҳлаштирганларнинг (файласуфлар ва мантиқчилар) инсониятга зарра қадар фойдасига тегамаган. Бошқача сўз билан айтадиган бўлсак, уларнинг илм, дея ўртага отган иддоалари сув ҳолига келмаган ва инсониятнинг чанқоғини қондирмагандир...

“Уларга (инсонларга) оятларимизни берганимизда, улардан ўзини олиб қочган ва уни шайтон эргаштириб кетиб, иввога учганлардан бўлган шакснинг хабарини тиловоғ қилиб бер! Агар хоҳласак, уни ўша (оят)лар билан кўтарар (улуғлар) эдик. Лекин унинг ўзи ерга ёпишди ва ҳавои нафсига эргашди.



Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайди, уни ҳайдасанг ҳам, тилини осилтириб тураверади, тек кўйсанг ҳам, тилини осилтириб тураверади. Бу бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисолидир. Бу қиссани ҳикоя қил, шоядки тафаккур қилсалар” (Аъроф сураси 174-175)

Ояти каримда бир шахс ҳақида гап кетмоқда: ўзига Аллоҳнинг оятлари, яъни илоҳий илм берилган, аммо бу шахс ўзига берилган илмга амал қилмаслик билан уни инкор қилган ва ҳавойи нафсига эргашиб, юз тубан кетган.

(Давоми кейинги саҳифада)

МЕХРОБДАГИ ЯНГИ ЧАЁНЛАР

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бундайларнинг мисоли эгасининг ёнида тилини осилтириб юрадиган (эгам бир сунок ташлармикин дея ялиниб юрадиган) итга ўхшар экан...

Ривоятларда айтилишича, бу “зот” Бальом бин Бауро лақабли бир кишидир. Аллоҳ таоло унга илм берган аммо у илмга амал қилиш ўрнига илмини хор қилиб, ўзи ҳам тубанлик йўлини танлаган. Бальомнинг биздаги ўрнаги “Мухробдан чаёндаги” Абдурахмон домладир. Абдулла Қодирий бу “домлани” ерга уриш билан, Туркистондаги жаҳолатнинг ички сирларини очишга уринганди. Яъни, Туркистонни Ислом динисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Туркистоннинг яхшилиги ва буюклиги имом Бухорий ва имом Тирмизий (ҳадис олими, сўфий Тирмизий эмас) билан қойим бўлса, Туркистоннинг разолати ва жаҳолати ўтмишда Абдурахмон домла, бу кунларда эса Абдулазиз Мансур домлалар билан қойимдир (танилгандир)...

Меҳроб масжидларда имомнинг жамоатдан олдинга ўтиб турадиган жойидир, имомлик мақомидир. Куръони Каримда меҳроб ҳазрати Марям онага нисбат қилинган:

“Бас, уни (Марямни) Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закариёни унга қафил қилди. Закариё ҳар қачон унинг олдида, меҳробга кирганида, унинг хузурида ризқ кўрди. У: «Эй Марям, сенга бу (ризқ) қаердан?» деди. Ул: «Бу Аллоҳнинг хузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига бехисоб ризқ беради», деди.” (Оли Имрон сураси 37)

Бу ояти каримада меҳроб ҳазрати Марямнинг ибодат жойи сифатида марҳамат қилинади...

Меҳробда туриш улўғ шараф, масъулия, айгиш мумкинки ҳақиқий қахрамонликдир. Чунки меҳробдаги илм ахлининг вазифаси бир томондан нафсини вавасасага чорлайдиган шайтон билан, иккинчи томондан ташқаридаги шайтон малайлари билан мужодала қилишдир. Шунинг учун ҳам меҳробнинг ҳаққини берадиган ҳақиқий илм ахиллари ҳар замон нодир топилган...

Ўз замонида отасидан халифаликни мерос олган салтанат соҳиби мақомини машрулаштириш (қонунийлаштириш) учун имомларни хузурига даъват қилади. Уларнинг орасида имом Абу Ҳанифа ҳам бор эди. Салтанат соҳиби имомлардан ўзининг ҳокимиятини эътироф этишларини истайди.

Имом Абу Ҳанифа бунга қарши чиқади ва шундай дейди:

“Сизнинг салтанатни отангиздан мерос олишга ҳаққингиз йўқ. Бу мақомда мусулмонларнинг шўросида сайланган киши ўтириш керак...”

Салтанат соҳиби имомларни уйига жўнатади ва уларнинг орқасидан ҳазиначисига шундай буйруқ беради:

“Имомларга бир ховучдан олтин

таркат. Менинг ҳокимиятимни қабул қилган имомлар олтинни олсалар, уларга тегинма. Аммо Абу Ҳанифа олтинни олса унинг калласини менга келтир...”

Ҳазиначи Абу Ҳанифанинг эшигидан кўлида олтинни билан қайтади. Чунки имом унга шундай жавоб беради: “У менинг халифам эмас, чунки унинг халифалигини мен рад қилганман...” (Қаранг: Мустафо Исломуғли, “Имомлар ва султонлар”)

Имом Бухорий ҳадис тўплашни тугатгандан кейин ватанига қайтиб талабаларга илм ўргатишга киришади. Бухоро амири унинг саройга келиб ўзи ва болаларига илм ўргатиши учун буйруқ беради. Имом Бухорийнинг амирга жавоби ҳақиқий имомларнинг ифтихори моҳиятидадир:

“Илм ўргангани истасангиз, ўзингиз ва болаларингиз, хузуригиз келингиз...”

Ҳақиқатан ҳам меҳроб илм, ибодат, итоат, такво, адолат, эркинлик, ихлос, эҳсон, зикр, тавба ва истиғфор мақомидир. Шу билан бирга меҳроб гилламининг ости чаёнлар билан тўладир. Бу чаёнларнинг вазифаси меҳробнинг ҳақиқий эгаларини чақиш, уларга суикасд қилиш, бундай суикасдларда золимларга ўз “фатволари” билан ёрдам беришдир...

Шунинг учун ҳам чаёнларнинг энг заҳарлилари меҳробдаги “чаён”лардир.

Шунинг учун ҳам ҳурматли Обидхон қори Назаров бугун золимнинг суикасидан кейин ўлим остонасида ётибди. Шунинг учун ҳам “шайх” Абдулазиз Мансур золим отасидан тахни олишга шайланаётган “малика” Гулнора Қаримовадан мукофот олмақда...

Узим илмдан оз хабардор бўлганим учун доимо аҳли имларга яқин туришга уринаман. Яқинда хорижда мана шундай аҳли имлардан бири билан учрашиб суҳбатлашдим. У киши менга шундай деди:

“Яқинда бу ерларга диний идоранинг ходимларидан баъзилар келишди. Улардан бирининг юзи ерга қараган эди. Турмасдан мендан ўзи учун дуо қилишимни сўради...”

Яъни, меҳробдаги чаёнлар ўзларининг қора амалларининг, қора заҳарларининг қандай натижаланишини ҳам яхши биладилар. Улар золимларга ва уларнинг зулмларига яқин туришнинг жазоси жаҳаннам ўтининг ўзларига тегишларидан ҳам хабардордирлар. (Худ сураси 113 оят). Аммо ҳавойи нафслари, сохта мансаблар, шайх, муфтий деган сохта унвонлар, сарой уламолигининг лаззати уларни йўлдан уради. Шу шаклда меҳробнинг чаёнлари Ҳақ йўлдан чиқиб асфолософилин йўлини танлайдилар...

Яна шундай ҳақиқий аҳли имлардан бириндан сўраган эдим:

“Оли Имрон сурасининг 104 ояти каримасида инсонларни яхшиликка қақирадиган, улар орасида яхшиликни ёядиган ва ёмонликдан қайтарадиган

бир жамоат ҳақида марҳамат қилинган. Бу жамоат қайси жамоатдир?”

Унинг жавоби ҳам ҳақиқий аҳли имларга ярашадиган жавоб эди:

“Зулмин ва золим рад қилиб, адолат учур курашадиган аҳли имларнинг ва уларга эргашадиганларнинг жамоатларидир...”

Бу олимнинг жавоби шу ояти кариманинг изоҳи (тафсири) эди:

“Тоғутни рад қилиб, Аллоҳга имон келтирадиганлар узилмайдиган ипга (Ҳақ динга, Исломга) боғланганлар...” (Бақара сураси 256 оят)

Ҳақ динни ёмон кўрадиганлар, рад қиладиганлар ва бу дин вакилларини йўқ қилишни ўзларига вазифа қилиб олганларнинг дин дейилиши билан кўзининг косасидан чиқиб кетишига сабаб бўлган ҳақиқатлардан бири мана шу ояти каримадаги ҳақиқатдир. Чунки Тоғут инсонлар Аллоҳ таолодан бошқа ибодат ва итоат қиладиган ҳар қандай золим султон ва ҳар қандай золим тузумдир (шу жумладан диктаторлик ҳамдир). Уларни рад қилиш эса ояти каримада ифодалангани каби Аллоҳга имон келтиришнинг шартидир.

Сўнги вақтларда менинг аклимни машғул қилиб келаётган асосий мавзуларадан бири илм ва сиёсатнинг ўзаро муносабати масаласидир. Яъни, меҳроб ва тахтнинг ўзаро муносабатидир. Бу масаладаги ҳақиқат эса ҳадисларда ифодаланган ҳақиқатдир:

“Энг ёмон ҳукмдор (сиёсатчи) ҳавойи нафсига эргашиб аҳли имлардан узоқ турадиган ҳукмдордир. Ва энг ёмон олимлар ҳавойи нафсига эргашиб золим ҳукмдорларнинг пинжиги текиладиган “илм ахиллари”, яъни меҳробдаги чаёнлардир. Чунки илм ахлларидан истадиган аввалги қадам золим ва унинг зулмига қариш туришдир...”

Аллоҳ таоло юкорида келтирилган

Аъроф сурасининг 174 ва 174 ояти карималарида “меҳробдаги чаёнларни” эгаси қувганда ҳам, ёнида олиб юрганда ҳам менга сунок ташлармикин, дея доимо тилини осилтириб юрадиган итларга ўхшатади. Қуйидаги ояти каримада эса “меҳроб чаёнлари” ундан баттар мақомга “лойик” кўриладилар:

“Устларига Таврот юклагилган, сўнгра уни кўтара олмаганларнинг (унинг ҳукмига амал қилмаганларнинг) мисоли устига китоб юкланган эшакга ўхшайди. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган қавмнинг мисоли қандай ҳам ёмон. Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас.” (Жума сураси 5 оят)

Бу ояти карима ўзларига илм берилиб бу илм билан амал қилмайдиган барча тоифалар ҳақидадир. Ҳақиқатан ҳам устига бир хуржун китоб юкланган эшакка бу китоблардаги илмнинг ҳеч қандай фойдаси бўлмайди...

Сўзнинг хулосаси инсонийлик мақоми бўла туриб, инсонларнинг ичида шараф бўлган аҳли имлар мақоми бўла туриб, чаён, ит ва эшак “мақомига” тушишга эҳтиёж бормиди? Начора бу имтиҳон дунёсида ҳар ким ўз мақомини ўзи танлайди...

Жамшид Шомуродов:

Зайниддин Аскаронинг айтишича, 16 феврал ходисаларини андижонлик кори Абдували Мирзаевнинг тарафдорлари уюштирган. Лекин, дейдики Аскарлов, ҳукумат 2 ой бурун мана шу террористик актнинг бўлишини билар эди. Кўриб турган эди қаерга қандай машина кўйилапти, бомба жойланган машина. Кўра-билиб туриб, шунинг олдини олмади. Мақсади бошқа эди деяпти. Мана шу даъвога қандай жавоб берган бўлардингиз?

Жамшид Шомуродов:

Ва мана шу Зайниддин Аскарлов берган интервьюдан кейин унинг хавфсизлиги ўша ўтирган қамоқхонасида қандай таъминланади? Унинг ҳаётига хавф пайдо бўлиши мумкинми? Ахир у 16 феврал ходисалари ва Муҳаммад Солиҳ масаласида ҳукумат нуктаи назаридан бутунлай ўзгача фикрларни билдирди.

Равшан Абдуллахонов:

Хавфсизлиги МХХ органлари томонидан унинг - нафақат Зайниддин

Азиз тингловчи, ҳозиргина эшитганингиздек Ўзбекистон расмийлари саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон «Эрк» демократик партияси асосчиси Муҳаммад Солиҳ номи яна бир бор кун тартибига тушди. Хўш, нима учун Ўзбекистон ҳукумати 11 йилдан бери сиёсий муҳожиротда яшаб келаётган Муҳаммад Солиҳнинг турли жинойт, хусусан терроризмга алоқадорлигини кўрсатиш уринишларини тинимсиз давом эттирапти? Бусоволга ҳозирда Норвегияда яшаётган Муҳаммад Солиҳнинг ўзи муносабат билдиради.

Муҳаммад Солиҳ:

Авваламбор, Ўзбекистон МХХ нинг янги бир, бизга қарши янги бир тадбир тайёрлашга эҳтиёжи туғилган экан, демак «Эрк» партиясининг ишлари яхши кетаяпти. Демак, халқ бу ташкилотни ҳалиям унутмаган. Демак, бизнинг бу қадар чекланган имконлар ичида олиб бораётган мужодалаларимиз беҳуда эмас экан. Уларнинг қилаётган ишдан фақат шу хулосани чиқариш мумкин. Агар яна-ям бошқачароқ айтадиган бўлсак, «Эрк» партиясининг, биласиз, доим сайловлардан олдин, 1 йил олдин ёки 1,5 йил олдин доим шунга ўхшаган ҳукумат тадбирларни кўрган. Келажак йилда бўлиши мумкин бўлган, қутилаётган сайловларга кўймаслик учун, албатта «Эрк» партиясини кўймаслик учун албатта ҳукумат яна ўзининг тадбирларни кўрапти. Менимча, бу ҳозирги бўлаётган ўша МХХ ходимлари томонидан тайёрланган деб айтишлик пресс-конференциянинг таъмирида менимча ўша стратегик мақсад «Эрк» партиясини келажак сайловларга кўймаслик стратегияси ётибди.

Азизулло Орол:

Солиҳ, нима учун яна бир марта сизнинг номингиз расмийлар ташаббуси билан кун тартибига тушди? Бу сафарги номингизнинг тилга олиниши билан Грузияда муҳолифат вакиллари ҳокимият тепасига келиши ўртасида бирор-бир боғлиқлик борми?

Муҳаммад Солиҳ:

Боғлиқлик бор. Фақат битта Грузия Ўзбекистонда эмас, балки бутун постсовет ҳудудидаги кечаётган бугунги воқеалар, Совет иттифоқи парчаланиб, кейин парчалангандан кейин уларга келган лидерларнинг тақдири бир-бирига ўхшаб кетади ва уларнинг бошланиши қандай бўлса, тугаши ҳам бир хил бўлиши эҳтимоли жуда юксак бугун. Озарбайжондаги воқеалар, Гуржистондаги воқеалар бироз фарқ қилса ҳам, уларнинг кечиш, йўналиши нуктаси ва уларнинг охир-оқибати бир бўлишига бизнинг шубҳамиз йўқ ва шу келажак албатта Ўрта Осиёдаги диктаторликларда ҳам кўриниб турибди ва бундан кўрққан албатта бизнинг ҳукумат одамлари албатта бунинг тадбирини, олдини олишга ҳаракат қилапти ва ҳали юқорида айтганимдек ҳар сайловдан олдин, ҳар бир катта мамлакат миқёсидаги тадбирдан олдин бизнинг партияларни ўша сиёсий жараёндан узоқлаштириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилмоқда.

(Давоми кейинги саҳифада)

2003 йил 26 ноябрь матбуот анжуманидан «ОЗОДЛИК» радиоси лавҳаси

Равшан Абдуллахонов:

Саволингизга тушундим. Энди ўзиз ўйлаб кўринг, дунёда ҳозир терроризмга қарши бутун дунё жамоатчилиги шу билан ҳозир курашяпти. Агар ўйлаб кўрингки, шу 16 феврал воқеаларидан кейин бу дунё миқёсида Ўзбекистонда биринчи марта шу катта теракт бўлиб ўтди ва бунда бир қанча қурбонлар бўлди. Иқтисодий томондан ҳам қанча «ушерб» қилганини, қанча бўлганини ҳаммининг хабардори бор. Катта анақа қиламиз...

Биринчидан, ман этганим бошидан бояги Мадаминов Салайга нисбатан бўлган жиноий ишларни кўрсатганимиз бекоргамас. Нимага деса, шу саволни ман кутгандим сизлардан. Иккинчидан, ўша Мадаминов Салай характеридаги, характерида хос. Ўша 1994 йилда болаларни ташкил қилганлиги, буям ўзига яраша. Нимага, нима мақсадда 21 одамни Қашқадарё вилоятидан Туркияга олиб бориб, қўл анақаси бўйича уриштиришга, бошқага тайёрлаган. Энди «значит», ман ҳаракатларида шу нарса аён бўлган. Иккинчиси, агар ўзиз ўйлаб кўринг, агар ҳар битта ҳуқуқ-тартибот органи агар шундай теракт бўлмоқчи деган бўлса, олдини олишга нима деб ўйлайсиз ўзиз, ҳаракат қилган бўлармиди, олдини олган бўлармиди ё қурбонлар бўлиб кетаверган бўлармиди?

Жамшид Шомуродов:

Энди битта савол-да ўз-ўзидан туғилади. Масалан, тингловчи ҳам ўйлайдики учрашувни Зайниддин Аскарлов билан кеча сизлар ташкил қилиб бердиларинг биз учун-а? Ташаббус кимдан чиққан эди, ўша журналистлар билан учрашув ташаббуси?

Равшан Абдуллахонов:

Ман кечаги учрашувни ташаббуси Зайниддин Аскарловдан чиққан эди ва бу баёнот қилишни кейин билишимизча, у интервьюда шу гапларни гапирмади. Лекин унинг шахсига нисбатан хавф солинаётганлигини маълум қилди. Бу хавфларда Тохир Йўлдошев томонидан Мадаминов Салай томонидан одамлар юбориб, биз бизга кўрсатма берганинг учун сани барибирам

йўқ қиламиз деган гапларни гапирган ва ўшанинг олдини олиш мақсадида шу гапларни гапирган.



Аскарловга, балки бошқа қамоқдаги бўлган одамларнинг - хавфсизлигини таъминлаш бўйича куч, саъй-ҳаракатлари ҳечам тўхтамаган, бундан кейин ҳам ҳар битта фуқаро у очикда бўладими, қамоқда бўладими таъминлашни булар бўйича олади.

Жамшид Шомуродов:

Энди қаранг-да, бу ерда айтилишича, ўша 16 феврал ходисаларини андижонлик кори Абдували Мирзаевнинг тарафдорлари уюштирган, Муҳаммад Солиҳ эмас, Тохир Йўлдош эмас. Бунга қандай қарайди МХХ?

Равшан Абдуллахонов:

Зайниддин Аскарлов гапи билан энди ҳозир Абдували Мирзаев томонидан уюштирилган деган гапни ман айттолмайман. Нимага деса, тергов жуда пухта олиб борилган тергов. Ўша пайтда суд ҳакамлариям бекордан-бекорга бундай жазони бошқаларга бермаган. Ўшанинг учун ҳозирги Зайниддин Аскарловнинг берган интервьюси асосида йўқ буни Муҳаммад Солиҳ ё Тохир Йўлдошлар уюштирмаган буни Абдували Мирзаев томонидан уюштирилган деган гапга албатта қарши бўламан.

Азизулло Орол:

Муҳтарам тингловчи, эшитганингиздек, бу 26 ноябр куни Зайниддин Аскарловнинг Тоштурмада хорижий ахборот воситалари мухбирлари олдида қилган баёноти ҳамда унга нисбатан Ўзбекистон МХХ ходими, подполковник Равшан Абдуллахонов муносабати эди. Эслатиб ўтаман, 16 феврал ходисаларига алоқадорликда айбланиб, 1999 йилнинг март ойида 10 йилга озодликдан маҳрум этилган ЎИХ етакчиларидан Зайниддин Аскарлов ҳозирда қамоқ жазосини ўтамоқда.

2003 йил 26 ноябрь матбуот анжуманидан «ОЗОДЛИК» радиоси лавҳаси

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Азизулло Орол:

Ҳозир мана сиз ҳам, биз ҳам ва тингловчиларимиз ҳам қамоқдаги Зайниддин Асқаров иқрорига кулок солдик. Ўзингиз биласиз, Асқаров сизни террорчиликда айблаб кўрсатма берганлардан бири, бундайлар анчагина. Мана Асқаров сиздан кечирим сўради, унинг иқрорини яна бир бор ўз тилидан эшитайлик.

Зайниддин Асқаров:

Мухаммад Солиҳнинг - Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, бу гапимни дунё-ю охирада - умуман террористларга, террорга алоқаси йўқ ҳеч қанақа. Умуман алоқаси йўқ.

Азизулло Орол:

Сизга қарши ёлогон гувоҳлик берганларга нималар деган бўлардингиз?

Мухаммад Солиҳ:

Ўзбекистон давлат маҳкамаси мени суд қилар экан, менга қарши бирорта далил келтира олгани йўқ. Бугун ҳам келтиролмайди. Чунки далилнинг ўзи йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Зайниддин Асқаровнинг бир кун келиб ана шу бугун айтган ҳақиқатни айтишига мен шахсан ҳеч қачон шубҳа қилмаганман. Аммо бунинг бу қадар эрта бўлишини тўғриси, ўйламагандим. Аллоҳ уларга қиёматда ўша эътироф қилган одамларнинг гуноҳларини кечирсин, Аллоҳ уларга мададкор бўлсин.

Зайниддин Асқаров ўзининг терговчилари томонидан каминага қарши ёлгон кўрсатма берган ягона маҳбус эмас, бошқалари ҳам бор эди. Аммо улар маҳкамаям қийнок остида кўрсатма беришганини айтишди. Зайниддин Асқаров маҳкамаям бунинг айтимагани. Энди у ҳам бизга қарши берган кўрсатмаларининг тамоман ёлгон бўлганлигини тан олаётти. Яъни ҳукуматнинг қўлида энди бу кундан бошлаб каминага қарши ҳатто сохта кўрсатмалар ҳам йўқ. Энди кўрkitиш ҳам мумкин бўлмай қолаётти. Қўркув бизнинг Ўзбекистонда яшаётган муҳолифатчиларнинг ва муҳолиф бўлмаганларнинг ҳам юракларини секин-секин тарк этаётти, деб умид қилаётганман. Энди биз ҳақиқатни айтишдан ўтган йиллардагидек қўрқмаяпмиз. Юрагимизга секин-аста бўлса-да, жасорат кириб келмокда.

Азизулло Орол:

Мухаммад Солиҳ жаноблари, сизга раҳмат.

ЭРК ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЛИДЕРИ М. СОЛИҲГА ОЧИҚ ХАТ

Сиз ҳақли чикдингиз, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистондаги ҳозирги мавжуд ҳукумат билан асло мулоқот

қилиб бўлмайди. Бу ҳукумат муҳолифатни хоҳ соғлом бўлсин, хоҳ «бемор» бўлсин - ҳеч қачон тан олмайди. Уларни йўқотиш учун ҳар қандай қонунбузарлик, мунофиқлик, қабиҳликдан қайтмайди. «ЭРК» партиясини Солиҳ билан ҳам, Солиҳсиз ҳам қайта рўйхатга олмайди. Ҳукумат муҳолифатчиларни ҳатто ташаббускор гуруҳлар орқали сайловда қатнашишларига ҳам йўл қўймайди, бунга ишонинг саробга қўл чўзиш билан баробардир. Мен бундан амин бўлдим. Бундай тоталитар тузумдан воз кечиш, сайловларни бойкот қилиш зарур.

Бундан бир йил олдин биз Сизнинг бундай фикрларингизга қарши чиқиб, 2003 йил декабр пленумидан сўнг ҳукумат билан «ЭРК» орасидаги муносабатни ўзгартириш, халқ тинчлиги, форовонлиги йўлида расмий партия сифатида хизмат қилиш, сайловларда қонуний иштирок этиш мақсадида мавжуд тузум билан мулоқатга келишга қарор қилган эдик. 2004 йил феврал ойида бир гуруҳ кенгаши аъзолари имзолаган «Очиқ хат»имизни Сизга йўлладик, партия раҳбариятининг сайловолди фаолиятдан, кўп машаққатлар билан ўтказган 5 – курултойимиздан сўнг рўйхатдан ўтиш учун ҳаракат қилинмаганлиги, хужжатлар Адлия вазирлигига топширилмаганлигидан норози бўлиб, фаол ишловчи раҳбар органлари ташкил қилишимиз зарурлиги тўғрисида Сизга мурожаат қилдик. Мартдаги йўллаган Очиқ хатимизда Сизнинг ҳукуматни тан олмаслик, радикал позициянгизни очик рад этдик. Халқнинг бўғзига келиб бўлган барча муаммоларни сайловлар ва парламент йўли билан ҳал этиш тарафдори бўлдик ва ўтган бир йил мобайнида партияни рўйхатдан ўтказиш, сайловларда қонуний иштирок этиш учун курашдик. Ёзма, оғзаки равишда бир неча бор президент девони ходимлари (Х. Султонов, У. Исмоилов, У. Турдиев, Р. Эрназаров, М. Раҳмонқулов, Ш. Нуруллаева, И. Зийёев ва бошқалар) билан мулоқатда бўлиб, «ЭРК» ва муҳолифатчилар номидан музокара қилдик.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари С. Ходжаева, Х. Аветов, Б. Мустафаевларга сайловдаги мақсадимиз, муаммоларимиз тўғрисида мулоқатда бўлдик. Президент ҳузуридаги фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари «ЭРК» ва «Сайлов Ресурс Маркази» нодавлат ташкилотларимиз тўғрисида ўз фикрларини билдиришди. МХХ ва ИИБ ходимлари эса ишларимизни қадамма-қадам кузатиб, таъқиб қилиб турдилар, биз ҳам улардан фаолиятимиз, мақсадимизни сир тутмадик, фақат «Хуррият» газетасига берган мақоладан беҳабар қолишди ҳолос, гап мақола мазмунида ҳам эмас исми шарифим матбуотда чиқиб кетганлиги

учун тегишли шахслар «ҳақ»ларини олишди.

«ЭРК», эркчиларнинг номини эшитиш, унинг вакилини қабул қилишдан қўркув шу қадар кучлики, талаб ва бетиним ҳаракатларимиз туфайли улар бизни мажбуран қабул қилдилар ва натижада уларнинг мақсади ва тактикалари яна бир бор бизга фош бўлди. Хуллас, ҳаракатларимиз интихосида «партиянгиз ҳукумат томонидан тугатилган, қайта рўйхатга олинмайди, яхшиси Сиз ҳам «ЭРК»дан воз кечинг, Каримовдан кечирим сўраб, хато қилганингиз тўғрисида мақола ёзинг, матбуотда эълон қиламиз», дейишди.

Бундай таклиф менга 1992 йилда ҳам тушган эди. Демак, ўтган ўн йил даврида ҳукуматнинг бизга нисбатан бўлган фикри заррача ҳам ўзгармабди. Аммо, ХАЛҚ ЎЗГАРДИ, халқнинг бизга нисбатан фикри ўзгарди, ҳукуматнинг бизга қарши пропагандасига қарамасдан, ишончи ошди. Буни мен ўз номзодимни қўйиш мақсадида сайловчиларимиз билан бўлган учрашувларда кўрдим ва ҳозирги кунда ҳам гувоҳ бўлмоқдаман.

Мен «ЭРК»чи, муҳолифатчи сифатида мавжуд ҳукумат билан нафақат мулоқот, балки умуман ишлаб бўлмайди, деган хулосага келдим, бунга етарли асосларим бор. Ушбу сайловда муҳолиф партиялар рўйхатга олиниб, парламентда рақобатчи, жонли фракциялар пайдо бўлганда эди, халқимиз норозилигини кундан-кунга ошираётган қашшоқлик, ишсизлик, яккахокимлик, зўравонлик, порахўрлик ва бошқа барча иллатларни парламентда халқ вакиллари томонидан ҳал қилиш имконияти бўлар эди. Афсуски, бу сайловда ҳам ҳеч нарса ўзгармади, тўғриси, ўзгартира олмадик. Яна эски тос, эски ҳаммом. Муҳолиф партияларни сайловда иштирок этишини ҳукумат намойишкорона рад этди, ҳатто ташаббус гуруҳлари орқали қўйилган номзодларимизга ҳам тиш-тирноғи билан қарши чиқди ва буни удаламоқда. Бу сайлов мавжуд ҳукумат учун охириги бекаат, Либерал демократлар партияси Каримов тузган охириги партия бўлиб, ва шу партиянинг ўзи ўз тузумининг умрига нукта қўйишига аминман.

Мен бугунги кунда барча муҳолиф партияларни халқ билан уюшган ҳолда ҳокимият истеъфосини талаб қилиши, сайловни байкот этиши тарафдориман ва бу фикримни ҳукумат билан мулоқат тарафдори бўлган барча аъзоларимизга маълум қиламан.

Сизни яна бир бор табриклайман!

Сизнинг мавжуд тузум ва сайловлар тўғрисидаги бир йил ввал қабул қилган қарорингиз яна бир бор ўз тасдиғини топди!

Ойгул Маматова
2004 йил 5 ноябрь

АЁЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши ўтган сонда)

ПРОБИРКА БОЛАСИ

“Пробирка боласи” - аёл ва эркақдан олинган маний, лабораторияда, колба ичида урчиши натижасида юзага келган эмбрионни бачадон деворига ёпиштириш, бачадон томонидан қабул қилинмаслигининг олди олиниб, иммунитет тизимини зўрлаш билан амалга оширилган, инсонни кўпайтириш усулидир.

Бу Аллоҳ қонунларини масхара қилиш, Унга қарши жанг (майдон ўқиш) «техника»сини қисқача кўздан кечирайлик:

Эркақ манийсида сперма сони етарли бўлса, Классик пробирка боласи (IVF) усули амалга оширилади. Сперма ва тухумлар пробирка ичига сунъий суюқлик муҳитига қўйилиб, урчиши (дўлланмаси) кутилади.

Сперма микдори кам бўлса, Микроинъекция (CS) усули қўлланилади. Микроскопик катетер билан ҳар бир тухум ичига бир дона сперм инъекция қилиниб, урчилади.

“Пробирка боласи” усулида етарли даражада тухум хужайраси етиштириш ва кўпайтириш жараёнини бошқариш учун аёлнинг гормон ишлаб чиқариши дорилар билан тўхтатиб турилади. Бу дорилар инъекция ёки бурунга хидлатиш йўли билан берилди.

Кейин тухумларни стимуляция қиладиган ва фолликул юзага келишини чақирган синтетик гормон берилди.

Ҳар бир фолликулда бир тухум етишади. Фолликуллар етарли катталикка етганида, уларни ёриш учун синтетик гормон игнаси урилади ва тухум тўплаш жараёнига ўтилади.

Аёл гинекологик ҳолатга (маълум жинсий алоқа алфозига) ётирилади ва унга умумий наркоз берилди. Шундан кейин вагинал ультратрация ҳамроҳлигида вагинага кириб, тухумдонларга тухумлар тўпланади.

Тўпланган тухумлар сунъий суюқликка қўйилиб, инкубаторда 4-6 соат ичида етилиши ва дўлланишга тайёр ҳолга келиши кутилади.

Тухумлар инкубаторда етилиб, қоронғи муҳитда, керакли мусика ва порнографик кўринишлар ёрдамида, эркақдан мастурбация йўли билан маний олинади. Манийга синтетик гормон қўшилиб, спермалар гиперактив ҳолга келтирилади.

Кейин спермалар билан тухумлар бир жойда қолдирилади ва синтетик гормонларнинг ташвиқи билан уларнинг дўлланиши (урчиши) кутилади.

Манийсида жонли спермалар бўлмаган эркақларнинг тухумдонларидан жарроҳлик йўли билан кичик парчалар олиниб, сперма хужайраси кидирилади. Микроскопик катетер воситасида ҳар бир тухум ичига бир сперма инъекция қилиниб дўлланишга зўрланади (микроинъекция, CS).

Дўлланма натижасида юзага келган

эмбрионлар такрор сунъий суюқлик муҳитига қўйилади ва синтетик дорилар билан бўлиниши бошлайди. Дўлланмадан кейинги 2-6 кун эмбрионларнинг энг яхши 2-4 донаси бачадон ичида ўтказилади. Бу жараён аёл яна гинекологик кўрик асносида қилинади. Эмбрионлар бачадон деворига ёпиштириш учун аввал эмбрион ёпиштирувчи хусусий зардоб (Embryo Glue) ишлатилади. Кейин эмбрионлар бачадон ичига ўтказилади.

Нормал ҳомилада кўпайишдан 5-6 кун кейин эмбрион ўз пардасини йиртиб, бачадон деворининг ичларига жойлашади (юмалайди) ва у ерда катта-ришда давом этади. Фақат “Пробирка боласи” усулида эмбрион пардасини йиртиб чиқиши ва бачадон деворига жойлашиши ўз-ўзидан бўлмагани учун эмбрионнинг тушиш хавфи юксак.

Бу сабабдан, эмбрионни бачадонга ўтказишдан аввал кимёвий йўл билан эмбрион пардасида тешик очилади. Бу тешик эмбрионнинг, пардасини йиртиб, бачадон деворига жойлашувини осонлаштиради.

Эмбрионнинг эндометриум томонидан рад қилинишининг олдини олиб, эндометриум ичида жойлашувини таъминлаш давоси 10 ҳафта давом этади.

10-нчи ҳафтада эмбрион мияси тўлқин чиқаришни бошлайди, оёқ бармоқлари ва тирноқлари аниқ бўлади, юрак ривожланиши, бўғим ва мускуллар ривожланиши тамом бўлади ва эмбрион сувкоса ичида ҳаракат қила бошлайди (яъни эмбрионга ҳайвоний руҳ берилди).

10-нчи ҳафтанинг охирида эмбрионнинг аъзолари ривожланиши тамомланади ва ҳомиланинг тушиш хавфи тугайди.

Ҳомила жараёнининг қолган қисмида аъзоларнинг етилиши кутилади ва 37-38-нчи ҳафтада бола “цезар” жарроҳлиги билан олинади.

“Пробирка боласи” усулларида қўлга киритилган кўп эмбрионлар умуман крионик усул билан музлатилади ва минус 196 даражадаги суюқ нитроген ичида сақланади. Бу эмбрионлар томир хужайраси сифатида турли мақсадларда фойдаланилади ёки хоҳлаган пайтда бачадонга ўтказилиб янги кўпайтириш бошлатилади.

Бу тажрибаларни кузатар экан, инсон зотининг Аллоҳ яратган мукамал кўпайиш жараёнининг ҳар бир босқичига нақадар буюк журъат билан аралашаётганига гувоҳ бўламиз.

Табиий кўпайишнинг ўрнини эгаллаган ва бошдан охиригача тамоман сунъий кўпайтириш жараёни билан нормал инсон туғилишини кутиш - ақл бовар қилмас соддаликдир. Сунъий кўпайтиришнинг меваси фақат сунъий бўлади.

“Пробирка боласи” усулига баҳо бериш учун бу усулни табиий кўпайиш жараёни билан қиёслаш керак.

Табиий кўпайиш жараёнида гормонларни ҳаракатга келтирган ва урчиш(дўлланиш)ни бошлатган фактор - севги ва меҳрдир.

Шериклар орасидаги севги ва меҳр сперма ва тухумларнинг етилишини таъминлаган гормонларнинг урчиш (дўлланиш)ни ташвиқ қилади. Табиий кўпайиш жараёнида, эркақ аёлга, ўртук (ёпинчик) остида, «бисмиллоҳ» ва дуо билан яқинлашади.

Акс ҳолда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларидек, яқинлашувга ҳам, бу яқинлашувдан туғиладиган болага ҳам шайтон шерик бўлади.

Миллионлаб спермалардан Аллоҳнинг тақдир қилган ягона сперма тухумга етишади ва собит “қулф-қалит” қонунига амал қилиб, қат-қат пардалар орқасида дўлланма содир бўлади. Отананинг қилган дуолар ва ниятлари бир томондан яхши хужайраларнинг бирлашувига ёрдам беради, бошқа томондан она қорнидаги эмбрионни манфий таъсирлардан сақлайди ва туғиладиган боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига таъсир қилади.

Шунингдек, эр-хотиннинг бирлашув онда ўша муҳитда бўлган ҳамма нарса она қорнидаги ҳомиланинг ахлоқи ва ақлига таъсир қилади.

Олимлар бунинг аҳамиятига диққат тортишади.

Масалан, яқинлашув турмуш ўртоқларининг бир-бирига муҳаббати билан бўлса, туғилган бола - ақлли, зўрлаш билан бўлса – аҳмоқ, ҳар қандай бир жониворнинг ёнида бўлса - ўғри, туш пайтидан кейин бўлса - ғилай бўлишини айтишган.

Тухумдондан айрилган тухумнинг ўрнида сариқ жисм (ҳомила бези) ҳосил бўлади. Бу жисмга “Яратилиш Нур”и келади ва бу нур гормонлар воситасида “Инсон Нақши” жараёнини бошлайди: Қалинлашган эндометриум бачадонга тушган эмбрионни шафқатли она қаби қарайди.

Эмбрионни тутиш ва озиклантириш мақсадида, керакли гормонларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлаб, жаннатдаги Тубо дарахтига ўхшаган плацентанинг ривожланишига замин ҳозирлайди. 10 ҳафтанинг охирида ҳомилага ҳайвоний руҳ берилди ва унинг аурасида кизил ранг пайдо бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларидек, дўлланмадан 120 кун кейин Аллоҳ (ж.ж.) “Икки фаришта юборилади, амалини, ризикни, тақдирини, шоқий ва ёки саид бўлажagini ёз, дейди. Кейин руҳ пуфланади.” (Бухорий, “Ал Жомеъ ас-Саҳих”, 1355 ҳадис.)

Фаришта ва жинларни унга сажда эттиради, коинотнинг барча борлиқларини хизматида беради. Руҳ пуфланганидан кейин ҳомиланинг аурасида қизғиш, сариқ, яшил, мовий, бинафша ва оқ ранглар аниқланади. Шу тарзда мўжизанинг бошқа мўжизани таъкиб этиши билан ҳомиланинг ривожланишда давом этади.

(Давоми кейинги саҳифада)

АЁЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

40 ҳафтанинг охирида 18 минг оламнинг мисоли бўлган Инсон Ислом фитратиди мўъмин ва Аллоҳнинг халифаси сифатида дунёга келади.

Инсоннинг дунёга ва охирагга қараган икки томони бор. Унинг ҳайвоний руҳи дунёга, инсоний руҳи эса охирагга қараган бўлади.

Ҳайвоний руҳнинг ранги қизил. Бу ранг эмбрион аурасида 10-чи ҳафтанинг охирида, эмбрионга ҳайвоний руҳ (нафси аммора)нинг берилган онда пайдо бўлади.

Инсоний руҳнинг пуфланиши билан эса эмбрион аурасида нафс мартабаларининг бошқа ранглари - қизғиш, сариқ, яшил, мовий, бинафша ва оқ ранглар юзага келади.

Дунёга 1998 йилдан бошлаб битта-иккита, 2000 йилдан сўнгра эса кўп сонда инсон шаклида, аурасида фақат қизил ранг бўлган борлиқлар кела бошлайди. («Индиго ва Кристал Болалар» бўлимига қаранг).

“Пробирка боласи” усулининг кенгайиши билан бу борлиқларнинг дунёга келиши орасидаги параллел диққатга сазовордир.

Бугун дунёда табиий бўлган ҳар нарса ийқотиб, ҳаётни сунъий ҳолга келтириш учун бир глобал ҳаракат кузатишмоқда.

Сунъий ўсимлик ва сунъий ҳайвон кўпайтириш, болаларни синтетик озуқалар билан озиклантириш каби янги одатлар каторида, умумий соғлиқ, мия ривожланиши, жинсий ривожланиш ва ирсиятга зарар бераётган кимёвий ва синтетик моддалар ҳам ҳаётимизнинг ҳар соҳасига кирди.

Бу жараён нафақат бепуштлиқ, балки инсоннинг фикрлаш қобилиятини, яхшилиқ ва ёмонликни ажратиш қобилиятини йўқотишга сабаб бўлаётганини кўряпмиз.

Шубҳасиз, келажак қилган хатола-римизни бизга кўрсатажак, аммо бизда уларни тўғрилаш имкони бўлмайди.

Бепуштлиқни даволаш

Тишида амальгамали қопламаси бўлганлар ундан воз кечишлари керак.

Тайёр озуқалар ва ичимликларни кўп ичадиганлар, барча ўрамли таомларни тўхтатишлари керак ва озикланиш одатини тўғрилашлари керак. Пишган нон ўрнига янги кўкат, янги мева, хусусан узум, хурмо ва анжир ейишга одатланишлари керак.

Оғир вазнлилар аввало вазн ташлашлари керак. (“Семизлик” бўлимига қаранг.)

Аёллар гигиеник пед ўрнига пахтали мато ишлатишлари, бу матоларни табиий совун билан ювишлари керак.

Бачадон тозалаши қилишлари, бачадон оғзига зулук қўйишлари керак.

“Тухумдон ва бачадон касалликлари”, “Простата касалликлари”, “Эндрометриоз” бўлимида айти-



ган умумий даволанишни, албатта, эрлари билан бирга қилишлари керак.

Сийдик йўлларида муаммоси бўлганлар, “Буйрак ва қовуқ тозаланиши” бўлимида

айтилган шаклда даволанишлари керак.

“Ҳайзи келмаган аёлларнинг ҳайзи («Ой кўриш»)ни келтириш” бўлимида айтилган дориларни қўллашлари керак. Бу дорилар эндометриумдаги тиккин(пробкалар)ни эритади ёки туширади.

Булар билан бирга, албатта, 4-7 кун танаффус билан 7 - 17 марта 3 кунлик очлик қилишлари керак, баъзи ҳолларда 10 кунлик очлик қилиш шартдир.

Ҳар бир ёш қиз, осон хомила қилиш учун, хомилалик пайтини энгил ўтказиш учун, соғлом бола туғиш ва эмизишда муаммо чиқмаслиги учун турмуш қуришдан аввал соғлиги ҳақда қайғуриши керак. Соғлигини тузатмасдан турмуш қурган ва бола тушиш муаммосини бошидан кечирган аёллар билишлари керакки бачадон касал хомилиани ушламайди, ташқари чикариб юборади.

Такрор тушишдан кейин замонавий тиббиёт усуллари билан туғилган болаларда оғир касаллик, ҳатто лейкомия хавфи бор.

Тушиш хавфидан сўнг жонли туғилган болалар ҳам, айна таҳликаси борлигидан, тушаётган хомилиани тиббий дорилар билан тўхтатишга уриниш тўғри эмас. (“Ҳомидалик ва Бола Парвариши” бўлимига қаранг.)

Хроник қонашлар

Аёллар ҳайз, хомила, эмизиш воситасида танадаги зарарли моддалардан тозаланишади, бу тарзда, оғир касалликлардан, хусусан, саратон касалидан сақланишади.

Хроник қонашлар касал аёл учун аслида қутқарувчи фактор ҳисобланади.

Қонашлар танада соғлиққа зарарли нарсаларнинг касаллик даражасида кўпайганини кўрсатади.

Аёл қонаш воситасида бу зарарли моддалардан ва токсинлардан қутилади.

Аммо, афсуски, аёллар қонаган бачадоннинг қиймагини фақат уни жарроҳлик йўли билан олдириб ташла-ганларидан сўнг билишади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай дейди-лар: “Аллоҳ таъоло барча махлуқотни яратиб бўлганидан кейин бачадон туриб, Раҳмоннинг этагидан тутди. Аллоҳ таъоло унга “воз кеч”, деди.

Бачадон “Бу туришимнинг сабаби, боғлар(иплар)нинг кесилишидан (олиб ташланишимдан) Сенга сиғинаман”, деди. Аллоҳ таъоло унга “Сени сақлагани - сақлашим, сен билан алоқасини узган билан - алоқамни узишим сени рози қиладими?”, деди. Бачадон “Ҳа, Роббим! Рози қилади”, деди. Аллоҳ таъоло “Бу ҳақ сенга берилди”, деди”. (Бухорий, “Ал Жомеъ ас-Саҳиҳ”, 134 ҳадис)

Нега бачадон Аллоҳдан паноҳ ис-тади?

Чунки аёллар бола тушириш учун бачадонларига спица тикишарди. Бу ҳолда бачадон иккита фожиа билан юзма-юз келарди: биринчидан, кўз қорачиги каби сақлаган боладан жудо бўлса, иккинчидан, бу жараён сирасида баъзан бачадон ўзининг тешилганини ҳам кўрарди.

Ёки абортда бачадон ичи қавла-ниб, бола майда-майда қилиб оли-ниб, бу ваҳшат жараёни “бачадон йиғлаши”(uterin cry)га қадар давом этарди.

“Цезар амалиёти” одатда, табиий туғиш вақти келмасдан қилинади. Ба-чадон, на бола, на ўзи туғишга тайёр-ланмасдан кесилганини, боланинг ўз жойидан кўпориб олинганини кўрган бўлиши мумкин.

Ёки кичик бир муаммо пайдо бўлса, бачадоннинг вужуддаги вази-фаси зўронлик билан тугатилиб, ўша Ҳадиси қудсийда айтилгандек, боғлари суғириб олиниб, ахлатга улоқтирилишини кўради.

Термизий (6-жилд, 164 - саҳифа) баёнида бу қудсий ҳадис шундай тал-кин этилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло деди: «Раҳмон - Менман, раҳмни(бачадонни)Мен яратдим ва уни Раҳмон исмиининг бир парча-си айладим. Ким уни парваришласа, Мен ҳам унга яхши қарайман. Ким у билан боғини кесса, Мен ҳам у билан боғимни кесаман».

Эслатма: Танага боғлар билан боғланган биргина аъзо бачадондир. Айна пайтда, бачадон инсониятнинг давоми ҳамда кўпайишининг ягона маконидир ва баданда бир Жаннат мисолидир.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош